Қонуннинг учинчи боби “Таълим тизимини бошқариш” деб номланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг таълим соҳасидаги ваколатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг таълим соҳасидаги ваколатлари, Таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари, Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатлари ҳамда Таълим ташкилотини бошқариш органлари ўрин олган бўлса қолган бобларда эса, Таълим фаолиятини ташкил этиш ва унинг назоратини амалга ошириш, Таълим ташкилотлари педагог ходимларининг ҳуқуқий мақоми, Таълим олувчиларнинг, улар ота-онасининг ҳамда бошқа қонуний вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Таълим-тарбия жараёни иштирокчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш, Нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш, таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш, Хорижий давлатда олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш, таълим соҳасидаги ҳужжатларга апостиль қўйиш, Таълимни молиялаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, Таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ва Якунловчи қоидалар ифодаланган.

Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиниши ва ривожлантиришнинг тариҳий аҳамияти – бу таълимнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида акс этган – “инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” (23-модда) – принципига амал қилган ҳолда инсонийликка йўналтирилганлигидир. Инсоний устуворлик таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципи сифатида Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонунида ҳам ўз ифодасини тўлиқ топган ва таълим соҳасидаги асосий принциплар қуйидагилардан иборатдир:

таълим устуворлигининг тан олиниши;

таълим олиш шаклини танлаш эркинлиги;

таълим соҳасида камситишларга йўл қўйилмаслиги;

таълим олишга доир тенг имкониятларнинг таъминланиши;

таълим ва тарбияга миллий ҳамда умуминсоний қадриятларнинг сингдирилганлиги;

таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик, демократик хусусияти;

таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

ўн бир йиллик таълимнинг ҳамда олти ёшдан етти ёшгача бўлган болаларни бир йил давомида умумий ўрта таълимга тайёрлашнинг мажбурийлиги;

давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талаблари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;

ўқув дастурларини танлашга доир ёндашувнинг ягоналиги ва табақалаштирилганлиги;

инсоннинг бутун ҳаёти давомида таълим олиши;

жамиятда педагогларни ижтимоий ҳимоя



қилишнинг кафолатланганлиги;

таълим тизимининг дунёвий хусусиятга эгалиги;

билимлилик, қобилиятлилик ва истеъдоднинг рағбатлантирилиши;

таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувининг уйғунлиги;

таълим фаолияти соҳасидаги очиқлик ва шаффофлик, “Таълим соҳасидаги асосий принциплар (4-модда).

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўрта муддатли истиқболда давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берган энг муҳим дастурий ҳужжат ҳисобланади. Мазкур ҳужжат асосида таълим соҳасига доир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Таълим тизимини халқ билан мулоқот ва илғор хорижий тажрибалар асосида ислоҳ қилишга асосий эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3304-сон Қарори асосида Ўзбекистон республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолияти такомиллаштирилди. Мазкур қарор халқ таълими тизимини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни ҳар томонлама ривожлантириш, ўқувчиларнинг билими ва маънавий-ахлоқий даражасини янада юксалтиришга қаратилди.

Меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим хизматларининг очиқлиги ва сифати масалаларига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сон Фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус таълим умумтаълим мактабларида, шу жумладан, ихтисослаштирилган мактабларда, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаб-интернатларида, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларида ҳамда академик лицейларда узлуксиз ва 11 йиллик муддатда; 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб касб-ҳунар коллежларига ўқишга қабул қилиш умумтаълим мактабларининг 11-синфлари битирувчилари ҳисобидан, ихтиёрийлик асосида, тегишли мутахассисликка (касбга) эга бўлиш учун 6 ойдан 2 йилгача бўлган ўқитиш муддатларида амалга оширилиши белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сон Фармонига мувофиқ, мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус таълим умумтаълим мактабларида, касб-ҳунар таълими ихтиёрийлик асосида касб-ҳунар коллежларида амалга оширилади.

Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчилари таълим олишлари билан биргаликда уларга касб-ҳунар ўргатиш, ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда келажакда уларнинг таълимни давом эттиришлари ёки эгаллаган касблари бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланишларига шарт-шароитлар яратиш, ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш ва уларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 октябрдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 868-сон қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2829-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарорнинг 2-бандида академик лицейларнинг муҳим вазифалари ва фаолияти йўналишлари белгилаб берилди:

умумтаълим мактабларининг энг истеъдодли ўқувчиларини танлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини янада ривожлантириш ва ўқишни олий таълим муассасаларида давом эттиришга мақсадли чуқур тайёрлаш;

ўқувчиларнинг ижодий салоҳияти намоён бўлиши ва фаоллашишига кўмаклашувчи, индивидуал истеъдодларни ва ҳар бир ўқувчининг қобилиятлари ҳамда хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда билимларни эгаллаб олиш жараёнида мустақил фаолият кўникмаларини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи таълим муҳитини яратиш;

илғор маҳаллий ва хорижий таълим муассасаларининг тажрибасини ҳисобга олган



ҳолда таълим жараёнини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш ва унинг мазмунини доимий равишда янгилаб бориш.

Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги ПҚ-2909-сон Қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони ва Фармон билан “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш” Концепцияси қабул қилинди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда сўнгги йилларда қабул қилинган Президент фармонлари, қарорлари ва бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, қуйидагилар таълим тизимини келгусида комплекс ривожлантиришнинг энг муҳим вазифалари этиб белгиланди, жумладан:

ҳар бир таълим муассасаси томонидан хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини яқиндан йўлга қўйиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, илмий-педагогик фаолиятга юқори малакали чет эл ўқитувчилари ва олимларини жалб этиш;

олий маълумотли кадрларни тайёрлашнинг мақсадли мезонларини шакллантириш, олий таълим муассасаларидаги ихтисослик йўналишлари ва мутахассисликларни ҳудудлар ва соҳалар бўйича жорий этилаётган дастурларнинг талаб ва эҳтиёжлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни комплекс тараққий эттириш истиқболларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш;

янги авлод ўқув қўлланмаларини яратиш ва олий таълим тизимига кенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, жумладан, энг янги хорижий адабиётларни сотиб олиш ва таржима қилиш негизида ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгилаб бориш;

педагог кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини сифат жиҳатидан мунтазам ошириб бориш, педагог ва илмий ходимларнинг стажировкадан ўтишини йўлга қўйиш, олий таълим муассасалари битирувчиларини PhD дастури ва хорижий магистратура дастурлари асосида ўқитиш;

олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълим тизимида илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, уларнинг академик илм-фан билан интегратсиясини кучайтириш, профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий фаолияти самарадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга жалб этиш;

олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини кучайтириш, талаба-ёшларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини, халқимизнинг юксак маънавияти ва инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғусини чуқур сингдириш, биз учун мутлақо ёт ва бегона бўлган ғояларга нисбатан уларда мустаҳкам иммунитет ва танқидий муносабатни шакллантириш;

олий таълим муассасалари моддий-техника базасини уларнинг ўқув ва илмий-лаборатория биноларини, спорт иншоотлари ва ижтимоий-муҳандислик инфратузилмаларини қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструксия қилиш орқали янада мустаҳкамлаш, замонавий илм-фан соҳаларининг устувор йўналишлари бўйича ўқув-илмий лабораториялар базасини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш;

олий таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминлаш, талабалар, ўқитувчи ва ёш тадқиқотчиларнинг жаҳондаги илғор таълим ресурслари, илмий адабиётлар ва маълумотлар базаси бўйича электрон каталогларга кириш имкониятини кенгайтириш.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.

2. Мирзаева Ш.Р., Шойимова Ш.С., Мирзаева Н.А. Тиббий таълимда педагогнинг инновацион фаолияти. Педиатрия журнали 2-сони, 2021 йил, 277-281 бетлар.

3. Мирзаева Ш.Р., Шойимова Ш.С., Мирзаева Н.А. Тиббий таълимда талабаларни мотивлаштириш ва фаоллаштириш хусусиятлари. “Педиатрия”, 2-сон, Тошкент, 2020 йил, 290-294 бетлар.

4. Рахматуллаев А.А., Шойимова Ш.С. Особенности эффективного применения IT-технологий и зарубежного опыта в медицинском образовании. Педиатрия журнали 2-сони, 2021 йил, 294-299 бетлар.

5. Хаитов Қ.Н., Агзамова Н.В., Шойимова Ш.С. Тиббиёт олий таълим муассасаларида ўқитишнинг кредит-модул тизимидан фойдаланиш масалалари. Педиатрия журнали 2-сони, 2021 йил, 283-294 бетлар.

6. Шойимова Ш.С., Мирзаева Ш.Р., Мирзаева Н.А. Тиббий таълимда лойиҳавий ўқитиш технологиясидан фойдаланиш масалалари. “Педиатрия”, 2-сон, Тошкент, 2020 йил, 279-283 бетлар.

7. Шойимова Ш.С., Мирзаева Ш.Р., Мирзаева Н.А. Замонавий тиббий ўқув жараёнининг психологик компонентлари. “Педиатрия”, 1-сон, Тошкент, 2022 йил, 226-229 бетлар.

8. Шойимова Ш.С. Шахс психологияси. Ўқув қўлланма. Т.: «LESSON PRESS»-160 бет, 2017.

9. Umarov B.M., Shoyimova Sh.S., Ro’ziyeva D.I. Pedagogika.Psixologiya. Darslik. O’zbekiston Respublikasi Oliy va o’rta maxsus ta’lim vazirligi. T.: «IJOD-PRINT» -332 bet. 2019.

10. Mirzaeva N.A., Shoyimova Sh.S., Mirzaeva Sh.R., Psychological features of distance learning, Journal Of Biomedicine And Practice 2020, Special Issue, pp.1002-1005.

11. Mirzaeva Sh.R., Shoyimova Sh.S., Mirzaeva N.A., Innovative opportunities for monitoring and evaluating the progress of students in distance learning, Journal Of Biomedicine And Practice 2020, Special Issue, pp. 998-1001.

12. Shoyimova Sh.S., Mirzaeva Sh.R., Mirzaeva N.A., Advantages of e-learning in improving the professional competence of university teachers, Journal Of Biomedicine And Practice 2020, Special Issue, pp. 1009-1012.

13. Shoyimova Sh.S., Xoshimova M.K., Mirzaeva Sh.R., Qo‘ziboyeva M.M.Ta’lim texnologiyalari – Darslik. – T.: «TURON-IQBOL», 2020. - 264 bet.

Муҳаммадиев Н.Э.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ МАЪРИФИЙ ЖАМИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлига назар ташлайдиган бўлсак,унда 1991-2016 йилларда миллий тикланиш йўлини босиб ўтиб,2017 йилдан бошлаб эса миллий юкслиш босқичига томон шахдам қадамлар ташлаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Шу йиллар ичида жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳот қилиш борасида тўпланган тажрибалар шуни кўрсатадики ҳар қандай мақсадга эришишнинг асоси маърифатли жамиятни шакллантириш асосида ижтимоий,ҳуқуқий,демократик,суверен давлатни қуришдан бошланар экан, чунки маърифатсиз одам билан эса янги жамиятни қуриб бўлмайди,балки уни жаҳолат ботқоғига ботириб ташлаши мумкин экан.

1.«Маърифат» тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти. «Маърифат» арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида билим, фан, маълумот, танишиш деган луғавий маънога эга фалсафий жиҳатдан кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия маъносини англатади.[1.567.] Илм-фан наздида эса маърифат деганда кишилар орасида замонавий билимларни, яъни фан ва техника, санъат ва маданият, сиёсат ва ҳуқуқ, каби бир қатор илмларнинг энг сўнгги ютуқларини тарқатиш, тарғибот-ташвиқот ишлари тушунилади. Шунинг учун ҳам бевосита замонавий илм-фан, маданият ютуқларини тарқатиш билан машғул бўлган кишиларни маърифатпарварлар деб, тарқатилган ана шу илму билимлардан баҳраманд бўлганларни маърифатли кишилар деб аташади.

Ҳозирги кунда фан ва техника ривожи, ижтимоий ва сиёсий тараққиёт жуда тез суръатлар билан кечмоқда. Унинг моҳиятини англаб олиш ва шу асосда ишларни ташкил қилиш ҳар бир киши учун ҳаётий зарурат даражасига етди. Бу зарурат ҳар бир одамни

маърифатли бўлишга ундамоқда. Маърифатнинг мақсади одамларга янги фан ва техника ютуқларини, оламда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий тараққиётга хизмат қилувчи янгиликларни, жаҳон маданиятининг дурдоналарини етказишдир.

Инсоният ривожи тарихидан шу нарса маълумки, ҳамма вақт давлатларнинг шукуҳли салоҳияти, жамиятнинг равнақи маърифат ишларининг қай даражада ташкил этилганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб келган, чунки қайси бир мамлакатда маърифат ишлари оммавий тарзда, илмий асосда, мунтазам равишда тўғри йўлга қўйилган бўлса, ўша ернинг халқи, давлатнинг фуқаролари юксак билим ва манавият соҳиби бўлганлар. Шунинг учун ҳам И. А. Каримов ўзининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асарида: «**Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч – маърифатдир.** Маърифат ва маърифатпарварлик биз учун ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечолмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди!», – деб ёзган эди.[2. 135.]

Юксак билимли, маънавиятли ва маърифатли халқ доимо тўқ ва бадавлат яшайди. Ҳар томонлама камол топган, бой-бадавлат ва маърифатли халқ ҳар қандай давлатнинг асосий кучи, таянчи ҳисобланади. Бундай халқ ҳеч қачон зулмат дунёсида яшашни истамайди, у доимо маърифат сари интилади. Шундай экан, ҳозирги кунда давлатлар ўзларининг замонавий қурол-яроғлари, ўқ-дорилари билан эмас, балки маърифатли ва маънавиятли одамлари билан кучли саналади.

Маърифатнинг асл моҳияти тўғрисида миллатпарвар инсон Маҳмудхўжа Беҳбудий (1874-1919) шундай ёзган эди: «Илм-маърифатсиз ҳеч бир миллат ...ҳаёт майдонида тура олмас. Хоҳ ул миллат ҳоким, хоҳ миллат маҳкум бўлсин, илм маърифатдан маҳрум бўлганлиги учун бошқа санъат ва ҳунар тожи бўлган миллатларнинг оёғи остида эзилурга мажбурдирлар... Бой бўлган миллат албатта дунёда яшай оладур. Ул миллатнинг динига эмас, ҳатто миллиятига ва шахсиятига ҳеч ким тега олмайдир... Ҳунарлик ва бой бўлмоқ учун нима лозимдир? Албатта, илм ва маърифат лозимдир... Ҳунарли ва маърифатли бўлган миллатларнинг халқлари фақир ва бечора бўлиб, дарвишлар қиёфасига кириб, гадойлик қилиб юрмайдилар» .[3.452.]

Маънавият инсон руҳий ва ақлий оламининг мажмуи бўлса, маърифат шу оламни зиёга тўлдирувчи воситадир. Қалби илм-фан, маданият зиёси билан нурга тўлган инсон ҳамма вақт имонли, эътиқодли, саховатпеша, халқпарвар бўлиб, ҳақиқат учун, адолат қарор топиши учун, тинчлик-осойишталик учун кураш олиб борадилар.

Хўш,маърифатли жамият деб нимага айтилади? Маърифатли жамият – бу катта ва кичик фуқароларнинг табиат олами ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлаётган ўзгаришларни билимли,адолатли,қўрқмас зиёли одамлар томнидан маърифат зиёсини тарқатиш орқали хабардор қилиш,уларнинг бевосита иштирокида барчанинг эҳтиёж ва манфаатларига мос келадиган ижтимоий-,ҳуқуқий,демократик,суверен давлатни бунёд этиш ва унда эркин ва фаровон яшаш таъминланган жамият демакдир. Одамларни маърифатли қилишда қўлланиладиган биринчи восита – бу китобдир,шу орқали уларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш натижасида янги маърифатли жамиятнинг тамал тошини қўйиш демакдир.

2. Китобнинг оддий-кундалик тушунчаси ва фалсафий таърифи. Одамзод пайдо бўлибдики,у доимо ўзини ўраб турган борлиқнинг сир-асрорларини билишга уриниб келмоқда. Шу аснода тўплаган барча билимларини жамлаб, китоб ҳолига келтирган ҳолда аждодларидан авлодларига етказиб бермоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, китоб – бу маънавият сарчашмаси,билимлар хазинасидир.

Хўш,шундай экан китобнинг ўзи нима деган савол туғилади.Бу саволга икки хил,яъни бирон бир буюм-нарса тариқасида ва фалсафий маънода жавоб бериш мумкин. Буюм-нарса тариқасида: “Китоб – арабча «ёзилган»,«-муқоваланган асар» деган сўзлардан олинган бўлиб,маълум матнли варақлардан иборат,-жузлаб тикилган, муқоваланган, ҳажми 48 саҳифадан кам бўлмаган босма асардир».[4. 376.] Фалсафий маънода эса китоб – бу моддий ва маънавий оламда юз берган ва бераётган нарса, воқеа, ҳодиса, жараёнларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши, улар-



нинг бошқа нарсаларга айланиб янгиланиб бориши ҳақидаги билимларни ўзида мужассамлаштирган, уларни аждодлардан авлодларга етказиб беришга хизмат қиладиган илмий ва бадиий аҳамиятга эга бўлган асардир.

Китобларни жамият тараққиётидаги ўрнига кўра катта учта гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Табиат сир-асрорини ўрганиш натижасида ҳосил қилинган билимларни ўзида мужассамлаштирган табиатшуносликка оид китоблар. Масалан, физика, кимё, биология, механика ва бошқалар.

2. Жамият сир-асрорини ўрганиш натижасида ҳосил қилинган билимларни ўзида мужассамлаштирган жамиятшуносликка оид китоблар. Масалан, тарих,фалсафа,миллий ғоя ва макура ва бошқалар.

3. Жамиятнинг маънавий ҳаётини гўзал ички туйғулар ёки изтироблар, муҳаббатдаги садоқат ва хиёнатни, ёшлик ғурури, кексаклик донишмандлигини, ота-оналарнинг қадр-қимматини ўзида акс эттирган бадиий китоблар. Масалан, Муҳаммад Юсуфнинг шеърлар тўплами, Мирза Кенжабекнинг тазкиралари,-Муҳаммад Алининг тарихий романлари шулар жумласидандир.

Китобларни соҳаларда қўлланилиш соҳаларига қараб яна бир нечта турларга ажратиш мумкин. Масалан, ҳуқуқшунослик илмига оид китобларни: конституциявий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, инсон ҳуқуқи, тезкор-қидирув ҳуқуқи; тиббиётшунослик соҳасига оид китобларни: терапия, неврология, педиатрия, урология ва бошқа шунга ўхшаш турларга ажратиш мумкин. Хуллас, китоб ҳар қандай билим соҳасининг ажралмас атрибутидир. Китобсиз – илм, илмсиз – китоб бўлмайди.

2. Тиббиёт ходимларининг китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишнинг устувор йўналишлари. Бугунги кунда мамлакатимизда Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йиллардаги Тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналиши бўйича барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга сабаб ҳозирги кунда ёшларимизнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг миллий ғоя ва мафкурани уларнинг қалби ва онгига сингдириш борасида ўрни ҳақида мамлакатимиз Президенти **Ш.М. Мирзиёев**: ”Инсон маънавий оламини бойитишда улкан таъсирга эга бўлган китоб ҳақида сўз очилган экан, шу билан боғлиқ муҳим бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Яъни, бугунги кунда жамиятимизда китобхонлик даражаси қандай? У бизни қониқтирадими? Ким кейинги пайтда қайси китобни ўқиди, фарзандимизга қандай китоб олиб бердик?

Афсуски, кўп ҳолларда бу саволларга ижобий жавоб беришимиз қийин.

Одамларнинг онгу тафаккури, дунёқарашини ўзгартириш, маънавий савиясини юксалтириш ҳақида кўп гапирамиз. Лекин бу борада энг оддий ва айни пайтда энг таъсирчан восита - бу китоб эмасми? **Мен шунга аминман - китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ.**

Албатта, ҳозирги вақтда ахборот-коммуникация соҳаси шиддат билан ривожланмоқда, телевидение, радио, интернет, компьютер, мобиль телефон кундалик ҳаётимиздан чуқур жой олмоқда. Биз ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, мамлакатимизда ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини кучайтириш, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Таълим-тарбия муассасалари, орган ва ташкилотлар, меҳнат жамоаларида шу масала бўйича турли танлов, фестиваль ва акциялар, китоб байрамларини ташкил этишимиз керак. Мавжуд ахборот-ресурс марказларини бойитиш, кутубхоналар йўқ жойларда уларни ташкил этишимиз лозим. Ота-боболаримиздан қолган яхши анъаналарни давом эттириб, навоийхонлик, бобурхонлик, машрабхонлик кечалари ўтказсак,керак бўлса,бадиий асрларни телевидение орқали ўқитишни йўлга қўйсак [5.114.]. Энг муҳими,фарзандларимизни ёшлик чоғидан китобга меҳр қўйиш,мустақил фикр юритиш,мураккаб ҳаётий вазиятларда тўғри жавоб топиш кўникмасини шакллантириш,бунинг учун тегишли ташкилий ишларни амалга оширишимиз даркор”,[6. 469.]– деган эди.



3. Китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишнинг устувор йўналишлари. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 12 январда “ Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш,китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича коммиссия тузиш тўғрисида” Фармойиш, 2017 йил 13 сентябрда “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Мазкур қарорда аҳолининг китоб мутоласини ошириш, ёшларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича қуйидаги устувор йўналишлар ва уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури белгилаб берилди. Булар: 1) халқимиз, аввало, ёшларнинг маънавий-маърифий, бадиий-эстетик талабларига жавоб берадиган китобларни юксак сифат билан чоп этиш; 2) жойларга, таълим муассасаларига вақтида ва мақбул нархларда етказиб бериш; миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини таржима қилиш; 3) фарзандларимизда болаликдан бошлаб китоб, жумладан, электрон китоб ўқиш кўникмасини шакллантириш асосида аҳолининг мутолаа маданиятини юксалтириш мақсадида: ижтимоий аҳамиятга эга бўлган китобларни, айниқса, болаларга мўлжалланган адабиётларни чоп этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш; 4) адабий-бадиий, ўқув-услубий, илмий-назарий, илмий-оммабоп ва кўргазмали адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, ихтисослаштирилган китоб дўконлари фаолиятини ривожлантириш; 5) китоб тарқатиш тизимини янада ривожлантириш ва китоб маҳсулотларининг нархини шакллантириш ва сотиш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиқиш чораларини белгилаш; 6) таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларининг кутубхона фондлари, кутубхоналар, ташкилот ва муассасаларнинг “Маънавият хоналари”ни ўқув-услубий, техник адабиётлар, адабий-бадиий, маърифий ва илмий-оммабоп китоблар билан бойитиш; 7) мазмунан саёз, миллий маънавият ва қадриятларимизга, ахлоқ меъёрларига мос келмайдиган, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган адабиётларни тайёрлаш, босиб чиқариш ва тарқатишнинг олдини олиш чораларини кўриш; 8) китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга доир тарғибот ишларини тизимли ва самарали ташкил этиш, бу борада китобхонлар, кутубхоначи ва тарғиботчилар ўртасида “Энг китобхон мактаб”, “Энг китобхон маҳалла”, “Энг китобхон оила”, “Энг фаол кутубхоначи” каби кўрик-танловларнинг саралаш ва республика босқичларини юқори савияда ўтказишни йўлга қўйиш каби вазифаларни амалда бажаришдан иборат.

3. Тиббиёт ходимлари китобхонлик маданияти тушунчаси,уни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар. Тиббиёт ходимларининг касб ахлоқи ва нафосатини шакллантиришда,уларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда Тиббиёт ходимларининг китобхонлик маданияти деб иқтидорли шахслар,олимлар жамоаси томонидан табиат,жамият,инсоннинг ахлоқий ва эстетик оламини теран ўрганиш асосида ёзилган табиий-тиббий, илмий-техникавий, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий- иқтисодий, ахлоқий ва эстетик адабиётларни узлуксиз тарзда ўқиб бориш,уларни мантиқан таҳлил қилиш,ўзига тегишли хулосалар чиқариб олиш,илҳомлантириш,завқлантириш хусусиятларига эга бўлган зарурий китобларини фуқаролар ўртасида тарғибот-ташвиқот қилишни ташкил этиш асосида ҳар қандай касалликларнинг олдини олишга қаратилган тизимли амалий хатти-ҳаракатларга айтилади.

Тиббиёт ходимларининг китобхонлик маданияти шакллантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлар жумласига қуйидагилар:

1) авлодлардан аждодларга ўтиб келаётган чуқур ҳаётий мазмунга эга бўлган китобларни топиш,айниқса касалликларнинг олдини олиш ва хасталарни даволаш;

2) ҳозирги кунда ёзилган табиий-тиббий, илмий-техникавий китобларни ўқиб,улардан амалиётда фойдалиниш режаларини тузиш;

3) ижтимоий-иқтисодий ҳаётга оид китобларни ўқитиш, шу асосда ўзи хизмат қилаётган худуддаги аҳволга баҳо бериш;

4) сиёсий-ҳуқуқий адабиётларни ўқитиш заминида жаҳонда юз бераётган сиёсий воқеаларнинг мағзини чақиш, ҳуқуқшунослик ва қонун ижодкорлигида юз бераётган ўзгаришлардан тезликда хабардор бўлишини таъминлаш;

5) бадиий, ахлоқий ва эстетик адабиёт-

ларни ўқиш асносида, ҳар бир ходимнинг қалбида адолат ва она-Ватанга бўлган ҳис-туйғусини ўстириш;

6) ўрганиш лозим деб топилган китоблар асосида аҳоли,айниқса тарбияси оғир бўлган ёшлар ўртасида китобхонлик кечаларини ўтказиш ишларини ташкил этиш;

7) савияси паст, миллий ғоя ва мафкурамизга зид бўлган китобларнинг аҳоли орасида тарқалиб кетмаслигининг олдини олиш ва шу кабилар киради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, китоб – бу илм сарчашмаси, маънавият хазинасидир. Китоб ўқимаган одамда ахлоқийлик ва гўзалликни, адолатни ҳис этиб, завқ-шавқ билан яшашдан дарак ҳам бўлмайди. Айниқса,халқни бунёдкорлик йўлида ахлоқий-маънавий,эстетик жиҳатдан тарбиялаш мақсадида ёзилган китобларни нашр қилдиришга тўсқинлик қилган мансабдор шахс – маънавий жиҳатдан ожиз, кўрлик ва карлик балосига йўлиққан одамдир, олиму-фозилларнинг қарғишига учраган кимсадир. Демак, Ш.М.Мирзиёев ёзганидек: ”Хусусан,ёшлар ўртасида китобхонликни,мутолаа маданиятини ривожлантириш доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим”[7.257.]

Адабиётлар

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.2. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006:567.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Унинг ўзи. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. – Т.:” Ўзбекистон”.1999:135.
3. Ўзбек педагогикаси антологияси. Икки жилдли. Ж. 1. Т.: Ўқитувчи, 1995:452.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.2.–Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006:376.
5. Мирзиёев Ш.М. Мамлакатимизнинг жавоҳир хазинаси. Унинг ўзи. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.:. Ўзбекистон,2017.– Б.114.
6. Мирзиёев Ш.М. Тошкент–барчамиз учун онадек улуғ ва мўътабардир // Унинг ўзи. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.:. Ўзбекистон,2017.– Б.469.

Муҳаммадиев Н.Э., Юсупов М.С.

САЛОМАТЛИК ВА ХАСТАЛИК – ЖАМИЯТ ТИББИЙ ҲАЁТИНИНГ ЗИДДИЯТЛИ АТРИБУТЛАРИДИ

Тошкент педиатрия тиббиёт институти
Ш. Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети

Жамият мураккаб тузилишга эга бўлган ижтимоий феномендир. У ўзининг соҳавий тузилишига қараб бир неча таркибий қисмлардан ташкил топган бўлади. Масалан,жамиятнинг иқтисодий ҳаёти,жамиятнинг маънавий ҳаёти ва шу кабилар.. Шу нуқтаи назардан қараганда ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки,жамиятнинг тиббий ҳаёти ҳам мавжуддир.

Жамиятнинг тиббий ҳаёти деб биоижтимоий мавжудот бўлган инсоният оламининг соғлигини сақлаш,умрини узайтириш,ҳар хил касалликларнинг олдини олиш ва хасталикларга қарши курашиш, келгусида соғлом инсон наслини вужудга келтириш ва тарбиялаб вояга етказиш, уларни меҳнат капиталининг фаол аъзосига айлантириш учун фаолият юритиш орқали узлуксиз тарзда такомиллашиб борадиган ижтимоий-тиббий муносабатлар мажмуига айтилади.

Демак,жамият тиббиёт ҳаётининг дастлабки хусусияти - бу унинг онтологик асосга,яъни биринчи навбатда биоижтимоий мавжудод бўлган инсоният оламининг реал мавжудлиги, уларнинг жисмоний тана ва маънавий вужудида амалда соғломлик ёки хасталикларнинг бор ёки йўқ эканлиги, гносеологик асосга,яъни эса ана шу жисмоний тана ва маънавий вужуддаги саломатлилик ёки хасталиклар даражасини билишга қаратилган тиббий билиш,клиник тафаккур тарзи ташкил қилади. Аниқроғи,ўзининг соғлигини англаб етишга қаратилган онги,билими,ўрганган китоблари,даволаниш ҳақидаги фикрлари,ўзгаларга бўлган маънавий-ахлоқий муносабатлари киради.

Жамият тиббий ҳаётининг мазмун-моҳиятини,унинг таркибий тузилишини ўзида ифодаловчи асосий фалсафий категориялардан бирини “Саломатлик” ва “Касаллик” тушун-



чалари ташкил қилади. Ушбу тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини билмасдан, илмий-амалий аҳамиятини аниқламасдан туриб жамиятнинг тиббий ҳаётини,унинг барқарорлигини таъминловчи омиллардан бири бўлган аҳолининг тиббий маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш, уни глобаллашув даври талабларига мос равишда тубдан ўзгартириш масаласини ҳал қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Ш.М.Мирзиёев:" Биз ўз фаолиятимизни бошлаган дастлабки кунлардан эътиборан сиз, ҳурматли халқ вакиллари билан барча муҳим вазифаларимиз қаторида иккита энг асосий масалага алоҳида аҳамият қаратиш ҳақида келишиб олган эдик. Буларнинг биринчиси - жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш бўлса, иккинчиси - аҳолимизнинг соғлиғини муҳофаза қилишдир.

Ҳаммамиз тушунамиз, тинчлик ва соғлиқ – бу ҳар бир инсон, бутун халқимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир. Шунинг учун ҳам мана шу икки соҳада биз аҳволни тубдан ўзгартириб, ижобий натижаларга эриша олсак, бутун жамиятимиздаги вазият ва ижтимоий муҳит кескин ўзгаради, мен бунга аминман"[1],– деган эди [1.154.].

Хўш,шундай экан саломатлик деб нимага айтилади,деган савол туғилади. Бу саволга қадимги замонлардан бошлаб ҳозирги кунгача файласуфлар,шифокорлар,табиблар ва бошқа соҳа олимлари томонидан жуда кўплаб фикрлар баён қилинган. Масалан, милоддан аввалги 460-377 йилларда яшаб ўтган қадимги Юнонистоннинг машҳур файласуф-табиби Гиппократ:" Соғломлик – бу ташқи табиий муҳитнинг инсон организмига таъсири туфайли пайдо бўладиган ва ривожланадиган ҳолатдир"[2],– деган бўлса[2.60.], Афлотун эса:" Одам ҳаётини абадий руҳ бошқаради. У учта — ақлий, ҳайвоний ва ўсимлик руҳиларидан иборат. Ақлий руҳ бош мияда жойлашган, ҳайвоний руҳ юракда ва қонда жойлашган, ўсимлик руҳи эса жигарда бўлади. Булардан энг муҳими ҳайвоний руҳ, у танага иссиқлик ва ҳаракат бағишлайди. Жигардаги ўсимлик руҳи эса организмни озиқ билан таъминлайди. Бу учала руҳ учта мавҳум куч ёрдамида ҳаракат қилади. Соғломлик ҳам, Касаллик ҳам шу учта руҳга боғлиқ. Одам шу руҳларнинг таъсиридан четга чиқмай яшаса, саломат, агар четга чекинса, Касаллик пайдо бўлади»[3],– деган[3.23.] фикрни илгари сурган ҳолда одамлардаги соғломлик ва беморликни руҳларга боғлайди.

Буюк аждодларимиздан энг машҳури Шайхурраис Абу Али ибн Сино(980-1037) ўзининг "Тиб қонунлари" номли қомусий асарида:" Бирор кишининг «одам гавдасининг ҳоли уч хил бўлади: соғлиқ, Касаллик, учинчиси соғлиққа ҳам, Касалликка ҳам қўшилмайдиган бир ҳолат; ҳолбуки, сен икки хилгина қилиб қўя қолдинг» дейиши тўғри эмас, чунки шундай баҳсни қилувчи киши яхши ўйласа, икки нарсадан ташқари, учинчи бир ҳолатнинг бўлмаслигини ва бизнинг учинчи ҳолат баёнига муҳтож эмаслигимизни тушунади. Агар учинчи ҳолат лозим бўлса, албатта, бизнинг «гавданинг носоғлиғи» деган сўзимиз Касалликни ҳамда соғлиқ таърифига сиғмайдиган учинчи бир ҳолатни ўз ичига олган бўлади. Соғлиқ шундай малака ёки ҳолдирки, у сабабли аъзолардан соғлом ишлар вужудга чиқади. Соғлиқ учун бу таърифга муқобил: кела оладиган бирон ўзга таъриф йўқ. Лекин баҳс қилувчилар соғлиқни ўзларича таъриф қилиб, ўзларига ҳам керак бўлмайдиган шартларни соғлиқ таърифига киритиб юборадилар. Бу тўғрида табиблар билан баҳслашиб ўтиришга ўрин йўқ. Табиблар ҳам бу каби нарсалар ҳақида мунозара қиладиган кишилардан эмаслар. Табиблар билан ёки уларнинг фикрига қўшилмовчи кишилар билан мунозара қилиш тибда бирор фойда етказмайди ҳам. Аммо бу масалада ҳақиқатни билиш бошқа фан, яъни мантиқ фанининг қоидаларига тегишлидир. Ҳақиқат мантиқ фанидан талаб қилинсин!"[4],– деб ёзган эди.

"Саломатлик" тушунчасига берилган мазкур таърифлардан ҳам кўриниб турибдики,уларда: биринчидан, ташқи табиий муҳитнинг ҳал қилувчи роли; иккинчидан,қандайдир мутлақ руҳнинг башқарувчанлиги; учинчидан, бутун олам асосини ташкил этувчи бирламчи унсурлар; тўртинчидан, одам организми аъзоларининг функционал вазифаларини бажа-

1 ***Мирзиёев Ш.М***. Олий Мажлис Сенатининг йигирмаанчи ялпи мажлисидаги нутқ// *Унинг ўзи*.Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ,ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Тошкент:"Ўзбекистон" НМИУ,2019. – Б.154 (400 б.)

2 Гиппократ. О враче 1. Этика и общая медицина. — СПб.: Азбука, 2001. — С. 60.

3 Чикин С.Я. Врачи – философы. – М.: Медицина,1990. –С.23.

4 Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. Уч жилдлик сайланма. 1-жилд. – Тошкент: Абдулла Қадирий номидаги халқ мероси нашриёти,1992. – Б.12. (304 б.)

ришдаги ҳолати кабилар асос қилиб олинган. Масалага бундай тарзда ёндашишга, биринчидан,инсоннинг саломатлигини сақлаш борасидаги мавжуд бўлган шарт-шароитлар; иккинчидан, инсоннинг саломатлигини сақлашга хизмат қилувчи дори-дармонларнинг етарлича эмаслиги; учинчидан, жамиятда ҳукумрон бўлган фалсафий дунёқараш талабларини бажаришнинг қатъийлиги; тўртинчидан, ҳукумрон доираларнинг бутун мамлакат аҳолисининг эмас, балки биринчи навбатда ўзининг, оиласининг, қариндош-уруғларининг соғлигини сақлаш борасида қайғурганликлари сабаб бўлган.

XX аср ўрталаридан XXI аср бошларига келиб тиббиёт соҳасида одамнинг тана ва организмининг таркибий тузилишини,уларнинг бажарадиган функцияларини,уларга табиий ва ижтимоий муҳитнинг таъсирини, инсон онгининг соғлиқни сақлашдаги ўзига хос жиҳатларини, тиббиётда янги техника ва технологияларни қўллаш, аҳолининг соғлиги ҳақидаги маълумотларни глобал даражада ахборотлаштириш, соғлиқни сақлаш тизимида кечаётган жараёнларни компьютерда моделлаштириш, даволашда нанатехнологиялардан фойдаланиш, хужайранинг ДНК ВА РНК си сирларини очиш борасида буюк кашфиётлар қилинди ва олинган натижалар бевосита амалиётда қўлланила бошлади. Бу эса ўз навбатида “Саломатик” ҳақидаги анъанавий тушунчанинг фалсафий мазмунини янада кенгайтириб юборди ва уни янги илм-фан ютуқлари асосида фалсафий жиҳатдан қайтадан англаш заруриятини келтириб чиқарди.

Шунга кўра глобаллашув шароитида юз бераётган ўзгаришлар ва мамлакатимизда инсон саломатлигини сақлаш учун амалга оширилаётган илмий-амалий ишлар,олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда “Соғломлик” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Жамиятнинг соғломлиги – бу жамият аъзоларининг соғломлик ва касаллик ўртасидаги курашда тирик қолиши учун моддий ва маънавий қадриятларни яратиш,унга амал қилиш асосида сермазмун ҳаёт кечириши борасида шарт-шароитлар яратиб беришга қаратилган имкониятлар ҳолатидир.

Хўш,шундай экан саломатликнинг зидди бўлган касаллик(беморлик,хасталик) нима деган савол туғилади? Бу саволга ҳам одамлар жуда қадимдан бошлаб жавоб топишга ҳаракат қилганлар.

Шу жойда бир нарсага диққатни қаратиш зарурлигини,яъни одамзод пайдо бўлмасдан олдин ҳайонлар инстинкт тарзда касалликлардан холи бўлиш учун шифобахш ўсимликларни топиб истеъмол қилганлар.Демак,ҳайвонлардаги бу кўникмалар фақат биогенез доирасидагина содир бўлган. Бу даврни ҳайвонот оламининг касалликлардан холи бўлиш учун олиб борадиган курашларининг биогенез босқичи деб аташ мумкин. Ҳайвонот олами мавжуд экан, бу босқич асло тугамайди,гоҳида инқирозга,гоҳида ривожланишга юз тутган ҳолда давом этаверади. Демак,бу жараённи ҳайвонот оламининг яшаш учун курашдаги табиат қонуни сифатида тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш,уларни таснифлаш,таърифлаш ва ундан фориғ бўлиш чора-тадбирларини излаш билан одамлар жуда қадим замонлардан бери шуғулланиб келадилар.

Тиббиёт тарихида касаллик ва уни даволаш масаласида келтирилган таъриф,тавсиф ва таклифларни фалсафий жиҳатдан таҳлил қилган ҳолда касалликларни қуйидаги асосий хусусиятларига кўра таърифлаш ва тавсифлаш мумкин деб ҳисоблаймиз.

1. Касалликнинг ривожланишида ташқи табиий –муҳит, яъни кўпроқ биологик омиллар етакчи роль ўйнайди. Чунки, инсоннинг хасталанишида, инсон организмнинг ички хусусиятлари табиат (атроф-муҳит) омиллари таъсирида юзага келадиган ва маҳкам ўрнашиб (шу қаторда ирсий механизмлар билан) оладиган ўзгаришлар касалликнинг бошланишида етакчи роль ўйнаши мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, касаллик деб инсоннинг жисмоний танасидаги барча организмларининг табиат муҳитига мослаша олмаганлиги туфайли ўзининг функционал вазифаларини тўлиқ бажариш учун имкониятининг чекланганлик даражаларига айтилади.

2. Касалликнинг ривожланишида руҳий-физиологик сезги, идрок, хотира, хаёл, диққат, тафаккур, нутқ, ҳиссиёт, ирода, кўникма, малака, одат, темперамент, қобилият каби психофизиологик хусусиятларнинг функционал вазифаларини қанчалик даражада бажариши,яъни организмнинг ҳимоя ва мослашувчан механизмлари катта аҳамиятга эга. Касалликнинг ривожланиши кўп жиҳат-



дан ушбу механизмларнинг такомиллашишига, уларнинг патологик жараёнга қўшилиш ҳажми ва тезлигига боғлиқ. Зеро,шундай экан одамларда касалликнинг ривожланишига психоген омиллар катта таъсир кўрсатади. Шунга кўра, касаллик(руҳий хасталик)деб инсонга хос бўлган руҳий хусусиятлардан сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур, нутқ, диққат, ҳиссиёт, ирода, кўникма,малака ва одатлардан бирининг етарли даражада функционал вазифаларини бажара ололмаслиги туфайли келиб чиқадиган руҳий аномалияларни ўзида мужассамлаштирган кишиларнинг қобилият даражаларига айтилади.

3. Касаллик – бу фақат ташқи табиатнинг салбий таъсири ёки одам руҳиятидаги бузилишларигина ҳам эмас, у айни вақтда иқтисодий шарт-шароитлардан ташкил топган ижтимоий муҳит томонидан келиб чиқарадиган салбий оқибатларнинг ҳам маҳсулидир. Шунга кўра, касаллик деб инсоннинг яшашини таъминловчи моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат қилиши учун етарли даражада яратилмаган табиий,руҳий ва ижтимоий муҳит таъсирида юзага келган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимидаги номутаносибликлар туфайли турли хил касалликларга гирифтор қилинган одам наслига айтилади.

Фалсафий мантиқ жиҳатидан касалликнинг амал қилишини қуйидаги даврлари ажратилади:

1. Касалликни келтириб чиқарувчи восита таъсирининг бошланиши ва касалликнинг биринчи аломатларининг бошланиши ўртасидаги давр. Бу бир неча сониядан (масалан, кучли заҳарлар билан заҳарланганда) ўнлаб йилларгача давом этиши мумкин (масалан, мохов касаллиги пайтида).

2. Касалликнинг дастлабки белгиларининг пайдо бўлиши даври.Унда касаллик номаълум ўзига хос хусусиятга эга бўлиши мумкин (иситма, чарчоқ, умумий бузилиш ва бошқалар.

3. Касалликнинг тўлиқ ривожланиш даври, давомийлиги бир неча кундан ўнлаб йилларгача (сил, сифилиз, мохов).

4. Касалликнинг тугаши,яъни тикланиш, тузалиш ёки батамом тугаши даври .

5. Касалликнинг намоён бўлишининг кўпайиши ва йўқолишига қараб ўткир ва сурункали кечиши даври.

6. Касалликнинг бевосита сабаби билан боғлиқ бўлмаган, аммо унинг ривожланиши натижасида пайдо бўладиган қўшимча ўзгаришлар қўшилишидан келиб чиқадиган асорат қолдириш даври. (Асоратлар касалликни кучайтиради ва баъзида нохуш оқибатларга олиб келади.)

Умуман олганда ҳар қандай касалликларнинг натижаси қуйидагича: тўлиқ тикланиш, асорат билан тикланиш, аъзоларнинг доимий ўзгариши, баъзида касалликнинг узоқ муддатли оқибатлари ўлим шаклида бўлиши мумкин.

Одамга хос бўлган касалликларини моҳияти бўйича қуйидагича таснифлаш қабул қилинган: Биринчидан,ўткир ва сурункали;иккинчидан, организмда касалликнинг ўзига хос патологик ўзгаришлар аниқланадиган даражаси бўйича: молекуляр,хромосома,уяли,мато,орган, бутун организм касалликлари; учинчидан,этиологик омил бўйича:механик сабаб, жисмоний, кимёвий,биологик,психоген омиллар;тўртинчидан,даволаш усулига кўра: терапевтик,жарроҳлик ва бошқалар.

Соғломлик ва беморлик тушучаларинг маъно-мазмунини фалсафий жиҳатдан идрок қилмасдан,уларнинг қандай турлари борлигини билмасдан,келтириб чиқарадиган оқибатларини англамасдан туриб одамларнинг,қолаверса бутун жамиятнинг тиббий маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш ҳақида фикр юритиш “ сўз” ўйинидан бошқа нарса эмас.

Ўзбекистонда жамиятнинг янгиланиб бориш шароитида “ Соғлиқни сақлаш соҳаси ривожига салбий таъсир кўрсатаётган ҳолатларга барҳам бериш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида устувор вазифалар” қилиб: тиббиёт ходимларининг масъулияти ва ҳимояланганлигини кучайтиришга қаратилган тўғридан- тўғри таъсир қилувчи қонунларни қабул қилиш орқали такомиллаштириш; ҳудудларда соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг “кластер” моделини шакллантириш, тиббиёт ва фармацевтика муассасаларини аккредитация қилиш, шифокорлик ва фармацевтик фаолиятни лицензиялаш тизимини жорий этиш; тиббиёт соҳасини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳажмини белгилашда маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиш; тиббий хизматлар учун клиник-харажат гуруҳлари бўйича “ҳар бир даволанган ҳолат” учун тўлаш тизимини ҳамда киши бошига молиялаштиришнинг янги механизмларини жорий қилиш, шунингдек, мажбурий тиб-



бий суғуртани босқичма-босқич жорий этиш; тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш вадаволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш ва шу кабилар белгиланди.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқ. Унинг ўзи.Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ,ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. Тошкент:"Ўзбекистон" НМИУ, 2019:154.
2. Гиппократ. О враче 1. Этика и общая медицина. СПб.: Азбука, 2001:60.
3. Чикин С.Я. Врачи – философы. М.: Медицина,1990:23.

Куйлиев Б.Т.

СИЁСИЙ ПСИХОЛОГИК МАНИПУЛЯЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Жамиятимиздаги бугунги янгиланиш, ривожланиш ва тараққиёт жараёнида маънавият ва ахлоқ тушунчалари муҳим аҳамиятга эга. Шахснинг маънавий юксалиши ва жамиятнинг маънавий бойлигини сақлаш муҳим қийматга эгадир. Мустақил Ўзбекистон ўзининг буюк келажагини билимли, доно, салоҳиятли, меҳнатсевар, юксак маънавиятли, жисмонан соғлом авлодлар тимсолида кўради. Бундай талабларга жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлаш, ёшларнинг ахлоқий даражасига масъуллик ва ҳар томонлама камол топган замон кишисини тарбиялаш давлатимизнинг устувор вазифаларидан саналади. Бунинг учун эса ёшларни қадимий ва ҳар доим замонавий бўлиб келган ахлоқни, маънавият тушунчаларини янада аниқ, изчил таништириш, янгича ёндашувлар асосидагина амалга оширса мақсадга мувофиқ бўлади. Янгича ёндашувлардан бири − замонавий комил инсон, анъанавий ахлоқий қадриятлар билан йўғрилган, ахлоқий фазилатларни ўз руҳий оламига сингдирган етук шахс бўлмоғи лозим. Тарбия хакида Абдулла Авлоний: "Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир", дея таъкидлаганида ҳам катта маъно мужассам.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев "Янги Ўзбекистон стратегияси" китобида тўғри таъкидлаганидек: "Биринчи навбатда, ёшларнинг онгу-тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Ва бунда мамлакатимиз асрлар давомида жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми, умуминсоний маданият марказларидан бири бўлиб келганини акс эттирадиган илмий-тарихий ва ижтимоий-фалсафий концепцияни самарали амалга ошириш лозим "[1].

Илм-фан, техника ва технологиянинг шиддатли ривожланиши жамият ҳаётининг барча соҳаларида янгиликлар яратиш, мавжуд назария ва ғояларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Асрлар давомида жамиятда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар таълим – тарбия тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Шу сабабли ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда рўй бераётган туб ўзгаришлар, янгиланишларга мувофиқ равишда таълим- тарбия мазмуни ҳам такомиллашиб бориши лозим. Мазкур талабнинг тўла қондирилишида таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи (педагог)ларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар моҳиятини англай олишлари, таълим-тарбия жараёнининг уларга мос келишини таъминлашлари муҳим аҳамият касб этади. Таълим-тарбия жараёнида интеграциялашган тарбия ва таълимнинг устувор ўрин эгаллаши жамият ва таълим- тарбия ўртасида ўзаро алоқадорликни қарор топтиради.

Маънавиятнинг ахлоқий мезонлари муайян шароитларда шаклланади ва шу маънода миллий муҳит уларнинг янада ривожланишига кўмак беради, жамият аъзолари бундан ўзларига керакли фазилатларни олади. Айнан шу белгилар кишиларни бир-бирига яқинлаштиради, улардаги муштаракликни намоён этади.

1 Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси.Т.: "Ўзбекистон" нашриёти., 2021. -Б. 302.



Маънавиятнинг ахлоқий мезонларини ахлоқ, одоб, инсонпарварлик, эзгулик, меҳр-мурувват каби инсоний фазилатлар ташкил этади. “Маънавият”луғатида унга қуйидагича изоҳ берилган:

“Маънавият(араб.маъно, маънолар мажмуаси**)** – моддий ҳаёт билан ёнма-ён юрадиган, инсон, халқ ва жамият ҳаётининг ажралмас қисми бўлган ижтимоий ҳодиса; илмий-фалсафий тушунча.Шу билан бирга ўзида жуда чуқур ва кенг қамровли маъно-мазмунни мужассам этган бу тушунчага ҳар қайси маърифатли инсон ўзининг ҳаётий қарашлари, шахсий эътиқоди, онгу тафаккури ва дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда турлича таъриф бериши мумкин.”[2].

Жамият маънавиятини шакллантирувчи мезон ва тамойилларни қомусий олимларимиз яратган асарлар орқали ўрганамиз. Улар томонидан яратилган ахлоқий фазилатларни ўз ҳаётимизга сингдириб борамиз. Аждодларимиз қолдирган мерос бугунги кунда ёшларнинг мукаммал тарбия жараёнига ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Илм-у маърифат маънавий қарамликни йўқ қилувчи воситадир. У инсонга куч, билим ва юксак салоҳият бахш этади.

Ахлоқ тушунчаси жуда қадим замонлардан бери ўз долзарблигини ва аҳамиятини йўқотмаган. Ахлоқий тафаккур илк бор Қадимги Шарқда вужудга келганлиги, Шумер, Қадимги Миср, Қадимги Турон-Эрон ва Қадимги Ҳиндистонда дастлабки ахлоқий ғояларнинг пайдо бўлганлиги таъкидланади. Қадимги Юнон ва Қадимги Рим мутафаккирлари яратган ахлоқ назарияларига, Ўрта асрларда Марказий Осиё минтақасида илгари сурилган ахлоқий қарашларга, Темурийлар давридаги ахлоқ ва ахлоқий фазилатларга алоҳида эътибор берилган. Айни пайтда янги ва энг янги давр ахлоқ фалсафаси, Шарқ ва Ғарб ахлоқий назарияларининг ўзаро алоқалари ҳамда бир-бирига таъсири, оламнинг умумбашарий ахлоқий қадриятларнинг қарор топишида муҳим аҳамият касб этганлиги тўғрисидаги фикрларга, илмий хулосаларга кенг ўрин берилган. Шунингдек, Туркистон маърифатчи — жадидлари қарашлари алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Педагогик фаолият самарадорлигини ошириш, педагогларнинг ижтимоий буюртмани бажаришга шахсан ҳисса қўшишларини таъминлашда уларнинг касбий малакаларини ошириб боришлари муҳим аҳамият касб этади. Педагогларнинг касбий малакаларини ошириш йўлида ташкил этадиган амалий ҳаракатларининг самарасини улар томонидан интеграцион фаолият малакаларининг муваффақиятли ўзлаштирилиши билан белгилаш мумкин.

Мустақиллик йилларида таълим тизимида ҳам жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби туб ислоҳотлар амалга оширилди. Ислоҳотлардан кутилган асосий натижа соҳада янгича қарашларни қарор топтириш, жаҳон стандартларига мувофиқ малакали кадрларни тайёрлаш, ўқитиш сифати, тарбия самарадорлигини юқори босқичларга кўтариш борасида юзага келган ижтимоий эҳтиёжни қондиришдан иборатдир. Одамийлик, меҳр ва муҳаббат, дўстлик ва биродарлик инсонни шарафловчи қадриятлардан бўлиб, башариятнинг доимий орзуси сифатида муҳим аҳамият касб этади. Инсоннинг ахлоқий фазилатлари Шарқ шоирларининг диққат марказида эканлигини адабиёт сўзининг замирида “адаб”сўзининг мужассамлиги билан изоҳлаш мумкин.

Мутафаккир Мир Алишер Навоийнинг буюк давлат арбоби сифатида амалга оширган инсонпарварлик ва бунёдкорлик ишлари ҳамон дунё олимларини ҳайратга солади. Айниқса, улуғ шоирнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари доимо асосли, халқчил ва ниҳоятда теран аҳамияти билан янги илмий тадқиқотларга мавзу бўлади.

Улуғ шоир инсон жамиятга наф келтириши, бошқаларга зиён етказмаслиги, фойдали ишлари билан қадрли ва фазилатли деб ҳисоблайди. Муҳтарам Президентимиз тўғри таъкидлаганларидек, “Алишер Навоий бобомизнинг “Одамий эрсанг демагил одами, Оникким, йўқ халқ ғамидин ғами” деган сатрларида қанчалик чуқур ҳаётий ҳикмат, фалсафа бор. Яъни, бу дунёда инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир, халқнинг ғамидан узоқ бўлган инсонни одам қаторига қўшиб бўлмайди, деб таъкидламоқда улуғ бобомиз” [31].Баркамол инсонни тарбиялаб вояга етказиш айнан мана шу тизим асосида рўёбга чиқарилади. Шу боис таълим тизимида замонавий илм-фан, тех-

2 Маънавият. Асосий тушунчалар луғати.Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти.,2021. -Б. 345.

3 [1] Мирзиёев Ш.М. Аждодлар фахримиз. Ёшларга донолар ўгити. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018.Б.-13.



ника ва технология ривожига уйғун равишда таълим – тарбия мазмунини янгилаб бориш муҳим талаблардан биридир. Мустақилликдан сўнг ўтган вақт мобайнида ушбу талабни инобатга олиш орқали таълим-тарбия мазмунига интеграцион ғояларни сингдиришга жиддий эътибор қаратила бошланди. Бу йўналишда, яъни “интеграция” тушунчасининг моҳиятини ўрганиш, интеграцион жараёнлар мазмунини таҳлил қилиш, педагогик интеграцияларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, Ўзбекистон шароитида педагогик интеграцияларни яратиш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш, мавжуд педагогик интеграцияларни умумлаштириш ва оммалаштиришдан иборатдир. Ҳозирги даврда таълим- тарбия тизимида интеграцион жараёнлар жуда тезкор даражада ривожланмоқда. Таълим- тарбияни интеграциялаштириш бевосита, геополитик регионлар доирасида амалга оширилиб, бунда тарихий у ёки бу даражада ижтимоий- иқтисодий шароитлари яқин ёки ўхшаш турадиган мамлакатларнинг таълим-тарбия тизимини бирлаштирмоқда. Бугунги кунда таълим - тарбия соҳасида интеграцион жараённи амалга ошириш учун ягона ўзига хос механизм яратилган. Бу соҳада мамлакатимизда маълум натижаларга эришилган бўлиб, унинг самарасида Ўзбекистон ва Европа давлатлари учун ҳам намуна бўла оладиган энг қулай таълим тизими моделини яратишга ҳаракат қилинмоқда.Таълим- тарбияда интеграцион жараёнлар алоҳида аҳамият касб этади. Бу ахлоқий ва эстетик тарбиянинг интеграциялашган тизими муаммосини ҳам ҳал қилиш имкониятини беради. Шу ўринда савол туғилади: интеграция нима, у қандай жараён?

“Integratsiya” сўзи лотинча integratsiyon - тиклаш, тўлдириш, “integer” бутун сўзидан келиб чиққан. Интеграция ғояси инглиз олими Г. Спенсер томонидан фанга киритилган. Ривожланган давлатларда таълим мазмунини интеграциялаш борасида муҳим ва долзарб ишлар амалга оширилган. Англия, Япония, Венгрия, Финляндия каби давлатларда таълим мазмунини интеграциялашга эришилган. Шахс дунёқарашининг шаклланишида маънавий-ахлоқий тарбия ҳам муҳим ўринга эга бўлиб, уни самарали ташкил этиш талабада маънавий-ахлоқий онгни шакллантиришга ёрдам беради.

Ахлоқий тарбия муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган ҳулқ-атвор қоидалари, мезонларини талабалар онгига сингдириш уларда ахлоқий фаолият кўникмалари ҳамда ахлоқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён бўлиб, ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисмларидан бири саналади.

Ёшлар камолотида илмга интилиш туйғуси, тарих илмини эгаллаш истаги энг самарали тарбиявий восита ҳисобланади. Миллат маънавиятини ва миллий ўзлигини англашда, миллий ғурур ва ифтихорнинг ўсишида ҳам илмнинг аҳамияти беқиёс. Маънавий мерос инсонларнинг бир бирига бўлган ўзаро муносабатлари асосида шаклланиб, сайқалланиб боради. Миллатларнинг маърифий - маданий алоқалари қадриятларнинг авлодлардан авлодларга ўтиши ва бойиб бориши жараёнида ривожланади, халқаро миқёсга чиқади.Шунингдек, талабалар дунёқарашини шакллантиришда ҳам ахлоқий тарбия муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни самарали ташкил этишда онг, ҳис-туйғу ҳамда хулқ-атвор бирлигига эришиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, улар бирлигида маълум камчиликларнинг юзага келиши ҳам талабаларнинг комил шахс бўлиб улғайишларига салбий таъсир кўрсатади. Дунёқараш табиат, жамият, инсон тафаккури ҳамда шахс фаолияти мазмунининг ривожланиб боришини белгилаб берувчи диалектик қарашлар ва эътиқодлар тизимидир. Юксак маънавий комиллик, юрт озодлиги, ободлиги ва халқ фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиш, ўзига ва атрофдагиларга нисбатан талабчан бўлиш, ўзида иродавий сифатларни тарбиялай олиш, интилувчанлик, ташаббускорлик, ташкилотчилик, ижодкорлик ҳамда мустақил фикрлаш лаёқатига эга бўлиш каби хислатларни мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳаётида устувор бўлган тамойиллар сифатида эътироф этиш мумкин.

Илм-фанга, таълим-тарбияга, одоб-ахлоққа эътибор туфайли ёшлар маънавиятли ва маърифатли етук инсон бўлиб етишишлари шубҳасиз. Бугунги очиқ ва ошкора, демократик ривожланиш йўлидан бораётган юртимизда ҳар бир инсоннинг ватанпарварлиги муҳимдир. Ватанпарварлик, садоқатлилик, фидойилик каби олий қадриятлар орқали ватан тараққиёти ва фаровонлиги учун ҳисса қўшиш ўсиб келаётган ёш авлоднинг инсоний бурчидир.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти., 2021:464.
2. Мирзиёев Ш. Аждодлар фахримиз. Ёшларга донолар ўгити. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018:236.
3. Маънавият. Асосий тушунчалар луғати.Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти., 2021:816.
4. Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. - Т.: Ўзбекистон, 2001:186.

Жуманова Г.И.

ТИББИЁТ ЭСТЕТИКАСИНИНГ БАЪЗИ БИР НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

“Янги Ўзбекистон – барчамизнинг эзгу орзумиз, меҳнаткаш, тинчликсевар халқимизнинг орзуси!” [1.] экан,бундай орзуга эришишнинг йўлларидан бири ёшларимизни табиат ва ҳаёт гўзалликлари билан ошно қилиб,уларнинг эстетик онгини шакллантириб, ривожлантириб бориш асосида она-Ватанимизга садоқат билан хизмат қилувчи юксак нафосат эгаси қилиб тарбиялашдан иборатдир. Чунки, мамлакатимиз аҳолисининг 60% га яқинини ташкил қилувчи ёшлар томонидан эстетикани ўрганиш нафақат гўзалликни севишни, балки одамлар ҳаётнинг эстетик ибтидосини, жисмоний тана ва руҳий вужудни, яшаш жойларини, ижодий фаолиятини ҳам эстетика қонунлари асосида яратиш,уларни асраб-авайлашларини ҳам билишлари керак.

Хўш,эстетика нима? У тиббиёт ходимлари учун қандай аҳамият касб этади?. Бу хусусда профессор Н.Э.Муҳаммадиевнинг қуйидаги фикрларини келтиришни жоиз деб топдик:Табиат ва жамиятда мавжуд нарса, ҳодисаларга назар ташласак, уларнинг барчасида ажиб мукаммаллик, мутаносиблик, латофат, нафислик мужассамлашганига гувоҳ бўламиз, буларнинг ҳаммаси инсонни завқлантиришини, унга қандайдир ором ва маънавий куч беришини кўрамиз. Ана шу завқ-шавқ, ором ҳамда маънавий куч берувчи нарсларнинг барчаси нафосат дунёсига мансуб қадриятлар жумласига киради.

Нафосат дунёси ҳақида эса эстетика фани баҳс юритади. «Эстетика» сўзи юнонча «эстетикос» сўзидан олинган бўлиб, «сезиш», «ҳис этиш қобилияти» деган маънони янглатади. Уни 1714-1762 йилларда яшаб ўтган немис файласуфи Александр Баумгартен ўзининг «Поэтик асарнинг баъзи бир масалалари тўғрисида фалсафий мулоҳазалар» китобида фанга категория сифатида киритган.

Хўш, эстетика деганда нимани тушунамиз? «Эстетика» кундалик турмушимизда кўпинча нарса ва ҳодисаларнинг ранг-туси ва шаклидаги мукаммалик, мутаносиблик, латофат каби сифатларнинг мажмуи тарзида тушунилади. Фанда эса «эстетика» сўзи категория, яъни объектив оламдаги нарса ва ҳодисалардаги гўзаллик, улуғворлик, қаҳрамонлик жиҳатларини ўзида акс эттирувчи фалсафий тушунча, инсоннинг воқеликка эстетик муносабатларининг мажмуи деб таърифланади. Шунга кўра, у ижтимоий онг шаклларидан бири ҳисобланади. Инсоннинг ҳар қандай фаолиятида ахлоқий мақсад бўлгани сингари, эстетик манба – севинч ва ташвиш, орзу-умид, кулгилилик, фожиалилик – ҳам мавжуд бўлади. Бундай ҳолатларни соғлиқни сақлаш ходимларинингфаолиятида ҳам кузатишимиз мумкин.

Соғлиқни сақлаш ходимларининг касб эстетикаси уч таркибий қисмдан: эстетик муносабат, эстетик онг ва эстетик фаолиятдан ташкил топади. Уларга батафсил тўхталамиз.

Эстетик муносабат. Соғлиқни сақлаш ходимларининг эстетик муносабати деб воқелик ҳодисаларини гўзал ёки хунук, юксак ёки тубан, фожиали ёки кулгили, қаҳрамонлик ёки қўрқоқлик деб баҳолаш қобилиятига айтилади. Эстетик муносабат объектив ва субъектив томонлардан ташкил топади, яъни у субъект билан объект ўртасидаги ўзига хос алоқалар шаклида намоён бўлади. Бунда эстетик муносабатларнинг объектив томони, аниқроғи, эстетик объектини инсоний алоқалар ва муносабатларга киришган, бевосита идрок этиш объектига айланган, одамларнинг эстетик эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган воқеликнинг хилма-хил кўринишлари ташкил этса, эстетик субъектини эса эстетик ҳис-туйғу, кечинма, дид ва идеалларга эга бўлган



шахс ёки гуруҳ ташкил этади.

Эстетик онг. Соғлиқни сақлаш ходимларининг эстетик онги деб уларнинг воқеликни акс эттирувчи ҳис-туйғу, кечинма, дид ва идеаллари мажмуига айтилади. **Эстетик онг** эстетик ҳис-туйғулар, эстетик дид, эстетик орзу, эстетик қараш ва назариялардан ташкил топади.

Соғлиқни сақлаш ходимларининг **эстетик ҳис-туйғуларини** воқеликни идрок этиш шароитида ҳосил бўладиган шодлик, ҳайратланиш, ажабланиш, роҳатланиш, лаззатланиш, эҳтиром, завқ-шавқ, нафрат каби эҳтиролар, ҳиссиётлар, тушунчалар ташкил этади.

Соғлиқни сақлаш ходимларининг **эстетик диди** деганда уларнинг бевосита ҳис-туйғу билан ҳодисаларнинг эстетик қимматини аниқлаш, яъни гўзалликни хунукликдан, улуғворликни тубанликдан, қаҳрамонликни қўрқоқликдан, кулгилиликни фожиавийликдан фарқлаш қобилияти тушунилади. Шунга кўра, кимда-ким гўзалликдан завқланса, унинг эстетик диди яхши бўлади ва аксинча, гўзалликка бепарво бўлса ёки хунукликдан лаззат олса, унинг эстетик диди ёмон бўлади. Эстетик дид шахснинг мавжуд воқеликдан қониқиши ёки қониқмаслигидир.

Соғлиқни сақлаш ходимларининг **эстетик орзуси** деганда эса, уларнинг нафақат мавжуд воқеликни инъикос эттириши, балки унинг келажаги тўғрисидаги тасаввурлари, умид ва майллари мажмуи тушунилади.

Эстетик назария объектни бутунича қамраб оладиган принциплар, қарашлар, тушунчалар, қоидалар, ақидалар, билимлар тизимидан иборат бўлиб, улар мантиққа, муайян фалсафий қарашларга асосланган бўлади.

Эстетик фаолият. Касб соҳиблари эстетик фаолиятининг асослари уларнинг муайян талаб ва эҳтиёжларидан иборат бўлиб, моддий ва маънавий фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олади. Шунга кўра «меҳнат эстетикаси», «ишлаб чиқариш эстетикаси», «турмуш эстетикаси», «спорт эстетикаси» кабилар фарқланади. Улар кишиларнинг завқ-шавқ билан ҳалол меҳнат қилишларида кўмаклашади.

Соғлиқни сақлаш ходимларининг эстетик фаолияти уларнинг юриш-туришларида, ўз хизмат хоналарини жиҳозлашларида, табиий олам ва кишиларга муносабатларида яққол намоён бўлади.

Эстетика фани. Эстетик онг, эстетик муносабат, эстетик фаолият, эстетик тарбия, санъат масалаларини ўрганиш билан бевосита эстетика фани шуғулланади.

Эстетика – гўзаллик олами, санъат ва бадиий ижод қонуниятларини ўрганувчи ва ўргатувчи фан.

Ана шу умумий таърифдан келиб чиққан ҳолда Соғлиқни сақлаш ходимларининг касб фаолияти эстетикасига фан сифатида қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Соғлиқни сақлаш ходимларининг касб фаолияти эстетикаси деб уларнинг воқеликка эстетик муносабатда бўлиш орқали ўзларининг хизмат фаолиятларини нафосат қонунлари, принциплари, воситалари асосида ташкил қилишларини ўрганиш ва ўргатишга айтилади.

Соғлиқни сақлаш ходимларининг касб эстетикаси қуйидаги вазифаларни бажаради:

1) соғлиқни сақлаш ходимларининг оламни гўзаллик қонунлари асосида яратиши, ўзгартириши ва қайта қуришида кўмаклашиш;

2) гўзаллик, қаҳрамонлик ва улуғворликни уларнинг антиподи бўлган хунуклик, қўрқоқлик ва пасткашликдан ажрата билиш;

3) нафосат қонунлари, принциплари асосида эстетик тарбия ишларини ташкил қилиш.

Эстетика билан этика доимо диалектик бирликдадир. Инсон фаолиятидаги ҳар бир хатти-ҳаракат гўзал бўлганлиги учун ҳам яхшидир, қадр-қимматлидир, яъни ахлоқийдир ва аксинча, содир этилган ҳар бир яхши, адолатли иш, хатти-ҳаракат нафосатлидир. Шунинг учун ҳам буюк рус нафосатшунос олими В.Г.Белинский «гўзаллик – ахлоқ-одобнинг туғишган синглисидир» деганда ҳақ бўлган [2.].

Профессор Н.Э.Муҳаммадиевнинг қисқа ва лўнда қилиб баён қиган фикларини янгиланаётган Ўзбекистон шароитида тиббиёт эстетикасининг назарий ва амалий муаммоларини ўрганишнинг дебочаси деб ҳисобласак,айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Тиббиёт эстетикаси – бу тиббиёт ходимларининг табиат ва жамиятда мавжуд бўлган нарсалар,ҳодисалар ва жараёнларнинг гўзал ва хунук томонларини билиш,инсоннинг жисмоний ва руҳий-маънавий дунёсини гўзаллик қонун ва тамойилларига мос равишда уйғунлаштириш орқали соғлом ва гўзал турмуш кечиришини таъминлашга хизмат қилувчи илм соҳасидир. Шу тариқа тиббиёт эстетикаси – бу умумий эстетика фанининг касб эстетикаси бўлимига кирувчи таркибий қисмларидан биридир.

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида тиббиёт эстетикасини ўрганиш ва унинг қо-



нун-қоидаларини амалгда жорий қилиш учун ўзининг ечимини кутаётган муаммолари ҳам бордир.

Буларга қуйидагилар киради:

1) тиббиёт эстетикасининг қонун ва категорияларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллашнинг усул ва восталари механизмларини ҳаётга жориш этиш;

2) тиббиёт ходимларини эстетик жиҳатдан тарбиялашнинг анъанавий ва янги муқобил вариантларининг рационал мағзидан келиб чиққан ҳолда эстетик тарбия методларини трансформация қилиш;

3) тиббиёт ходимларини бўш вақтларида санъатнинг бирор бир тури билан қизиқтириб,уни қизиқиш “хобби”сига айлантириш;

4) тиббиёт эстетикасида,тиббиётда қўлланиладиган барча даволаш асбоб-ускуналарини,беморлар даволанадиган жойларни, даволанаётганларнинг руҳиятини кўтарувчи “дизайн” талабларига мос равишда жиҳозлаб боришни ташкил қилиш. Бунда субъективликка йўл қўймаслик ишларини ташкиллаштириш масаласига алоҳида эътиборни қаратиш;

5) тиббиёт ходимларини ҳузурларига ташриф бурган ҳар қандай фуқаро билан очиқчасига меҳрибонлик билан гўзаллик қоидаларига мос равишда мулоқот қилиб, ”гўзаллик – дунёни разилликдан қутқаради” деган фикрнинг нақадар тўғри эканлигини исботлаш ва шу кабиларни киритиш мумкин.

Тиббиётда эстетика категорияларининг намоён бўлиши масаласи ҳам долзарб ҳисобланади.

Эстетиканинг асосий категорияларини:

−гўзаллик ва хунуклик;

−улуғворлик ва тубанлик;

−каҳрамонлик ва қўрқоқлик;

−кулгилилик ва фожиавийлик кабилар

ташкил қилиб,улар бир томондан, инсоннинг воқеликка эстетик муносабатидаги муҳим, зарурий боғланишларни ўзида акс эттирса; иккинчи томондан, воқеликни нафосат қонунлари асосида ўзлаштиришнинг йўналишларини белгилаб берувчи методологик асос вазифасини ҳам бажаради.

Эстетика категориялари ўзининг амалий ифодасини техникавий эстетика, турмуш эстетикаси, хулқ-атвор эстетикаси, меҳнат эстетикаси, косметик эстетика,тиббиёт эстетикаси, дизайн кабиларда топади ва ҳар бир ходим ҳамда хизмат жамоаларининг эстетик маданиятини шакллантиришда катта аҳамият касб этади.

Масалан,тиббиётда гўзаллик категориясининг намоён бўлишини қўриб чиққанимизда биз қуйидаги хулосаларга келдик.

1. Тиббиёт учун энг муҳим нарса бу нафосатнинг,гўзалликнинг хаста тан ва дилга шифо беришидир. Шу сабабли тиббий хизматни ташкил этишда, касалликларнинг олдини олишда, беморларни даволашда ва реабилитация қилишда табиатнинг ландшафтига, табиий гўзаллигига катта эътибор бериш керак бўлади. Ёш шифокорларни эстетик тарбиялашда ўз она табиатининг гўзаллигини кўриш ва бошдан кечиришга, уни асраб-авайлашга, севишга ўргатиш замон талаби ҳисобланади.

2. Инсоннинг ўзи мантиқан қараганда табиатнинг яратган энг гўзал мўжизаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун инсон бундан ташқари ўзининг гўзаллигини намоён қилишда, яъни ишда, одамлар билан муносабатларда ҳам хулқининг гўзаллигини намоён қилишлари керак. Айниқса шифокор учун ички маънавий гўзаллигининг ташқи одобахлоқ, хулқ-атвор, мулоқотдаги гўзаллиги билан уйғунлаштириш тиббиёт ходимининг эстетик маданиятининг юқорилигидан дарак беради. Шу сабабли бўлса керак,рус ёзувчиси,асли касби шифокор бўлган А.П.Чехов (1860-1904) “Одамда ҳамма нарса гўзал бўлиши керак: юз, кийим ва фикрлари ҳам”, деган эди.

3. Шифокорнинг кийиниш маданияти ҳақида француз ёзувчи ва адабиёт танқидчиси Анатоль Франс (1844-1924) нинг фикрича” Инсон онгининг гўзаллиги ва буюклиги бу унинг ҳақиқатни излашидадир. Тана ҳам кийинган нарсага, бефарқ бўлмасдан, унга ғамхўрлик қилади. Мода, чиройли кийимлар керак албатта,бироқ уларни кийганда касалликларни қийнамайдиган даражада бўлиши керак”,[3.] деган бирдан бир тўғри фикрни баён қилган эди. Демак,бундан шундай хулосага келиш мумкинки, буларнинг барчаси маданиятли инсон бўлмиш шифокор тиббий эстетик маданиятининг ажралмас таркибий қисмидир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, шифокорнинг тиббий эстетик маданияти қанчалик юқори даражада шаклланган ва ривожланган бўлса,унинг қўлидан беморлар,хаста диллар шунчалик тезликда шифо топиб, табиат ва ҳаёт гўзалликларидан баҳраманд бўладилар. Бундай шифокорлар Ўзбекистон Ре-



спубликаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг: ”.Тиббиёт ходимлари – саломатлигимиз посбонларидир. Уларга халқ ишониши, улар эса халқни ишонтира олиши керак”. Бунинг учун эса” шифокорнинг нафақат устидаги халати, энг аввало, кўнгли ҳам, қўли ҳам пок бўлиши керак”, – деган талабларига жавоб берган бўлади.[5. https://president.uz/uz/lists/view/5063]

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент:”O‘zbekiston” нашриёти. 2021:15.
2. Муҳаммадиев Н.Э.Соғлиқни сақлаш ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти. Монография. Тошкент:”EFFCT-D” нашриёти, 2022:27-30.
3. Лиходзиевский С.И. Анатоль Франс : Очерк творчества. Ташкент: Гослитиздат УзССР, 1962.
4. Мирзиёев Ш.М. Халқимиз саломатлиги ҳамма нарсадан устун ва қадрли. //https://president.uz/uz/lists/view5063

Хайтматова Г.А.

ИСТОРИЯ УЗБЕКИСТАНА КАК НЕОТЪЕМЛЕМОЕ ЗВЕНО ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА МЕДИЦИНСКОГО ВУЗА

Ташкентский педиатрический медицинский институт

Интенсивное развитие нашей страны, ее достижения, благосостояние народа зависят от уровня внимания, уделяемого образованию и воспитанию подрастающего поколения. Сегодня в Узбекистане проводятся масштабные реформы в каждой сфере, полным ходом идут работы по устранению назревших проблем в обществе, создаются условия для гармоничного развития и воспитания молодежи. В целях кардинального реформирования и дальнейшего развития системы поддержки молодежи в стране приняты Концепция развития государственной молодежной политики в Узбекистане до 2025 года. Среди основных задач концепции - воспитание физически здоровых, духовно зрелых юношей и девушек, содействие в реализации их научного и творческого потенциала, защита интересов, прав и свобод, активное вовлечение молодежи в социально-экономическую, общественно-политическую жизнь.

Воспитание молодёжи в Узбекистане сложилось под влиянием традиций восточной культуры, опирается на национальные особенности и специфику социально-исторического развития страны, пережившего экономические и политические катаклизмы. Основополагающим звеном воспитания является мировой социально-исторический опыт, который формирует гармоничную и всесторонне развитую личность, способную проявлять инициативу, как в своей профессиональной деятельности, так и в социальной сфере современного общества, личность, осознающую нравственные ценности.

Несмотря на текущие изменения, периодически происходящие в системе подготовки врача, в компетенциях на выходе всегда присутствуют социально гуманитарные аспекты, что обусловлено самим содержанием и наполнением медицинской науки. Выпускник вуза призван реализовать себя не только в узкой профессиональной области, но и в сложной и многогранной системе социальных и межличностных связей и отношений. Общество видит в специалисте с высшим образованием носителя высокого уровня культуры, прочно сформировавшейся системы нравственных ценностей, гражданских качеств, активной жизненной позиции. С наиболее общими вопросами развития (эволюции) знаний студенты медицинских вузов знакомятся, приступая к изучению предмета «История Узбекистана». В настоящее время, цель преподавания и изучения учебной дисциплины «История Узбекистана» определена в формировании у студентов логического мышления о развитии знаний на всем пути исторического развития; выявлении эпохальных явлений и открытий. Помимо изучения основных этапов становления и развития Узбекистана, серьезное внимание уделяется ознакомлению будущих врачей с историей нашего университета. Одно из первых занятий отводится на ознакомления студентов с музеем ВУЗа, что позволяет сформировать представление о роли и месте ТашПМИ в системе здравоохранения нашей страны.

В преподавании Истории Узбекистана необходимо рационально использовать справоч-



ную подачу материала, необходимо соблюдать четкую периодизацию, достоверность фактов, которые позволяют проводить анализ мировоззренческих основ мышления врачей. На занятиях используются труды известных ученых и материалы архивов. При проведении семинарских занятий применяются различные наглядные пособия: стенды, научно-популярные фильмы, мультимедийные презентации.

Использование исторического метода, изучение новейших научных данных, а также знакомство с историческими источниками во всем их разнообразии открывает студенту междисциплинарный характер изучаемой дисциплины. Только усвоив общеисторическую периодизацию, ознакомившись с предоставляемыми на кафедре историческими источниками, в виде работ различных авторов, студенты постепенно подходят к пониманию последовательности и системности фактического материала и что более важно, становятся способны к проведению самостоятельного анализа получаемых фактов. Помогает соотнести и синтезировать в единый сплав естественнонаучные и гуманитарные знания. Сама методика преподавания истории, формируя у будущих врачей критерии последовательности и научности, прежде всего, расширяет кругозор и повышает общую культуру студента.

С учетом тенденций в современном образовании, мы в своей работе все шире используем мультимедийные возможности воздействия. На кафедре с целью совершенствования организации самостоятельной работы студентов, разработан ряд электронных учебно-методических комплексов по дисциплине «История Узбекистана». На наш взгляд использование ЭУМК способствует углубленному осмыслению учебного материала, формированию у студентов знаний, умений необходимых для дальнейшего использования полученных знаний в профессиональной деятельности. Одновременно достигается и закрепляется столь необходимая академическая компетенция по выработке навыков, связанных с использованием технических устройств, управлением информацией и работой с компьютером. В самостоятельной работе студенты широко используют сообщения в виде электронных презентаций, тематических сообщений. С учетом имеющихся знаний по дисциплине «История Узбекистана» и, учитывая задачу повышения профессиональной подготовки студентов, в практике обучения находит применение такая интересная форма обучения как ролевые игры. Например, озвучивая теории происхождения государства, студенты делятся на группы и оппонируют друг с другом, защищая занимаемую позицию тем самым обучаясь и закрепляя социально-личностные и профессиональные компетенции. Не менее важной задачей истории Узбекистана является музееведческая функция, способствующая формированию научно-исследовательского мировоззрения будущего врача, обогащающая его теоретическими знаниями, воспитывающая чувство гуманизма и патриотизма. Обязательным является посещение музеев, например, «Музей Тимуридов», «Музей истории Узбекистан» и другие.

Для лучшего усвоения материала на кафедре «Общественных наук, педагогики и психологии» ТашПМИ была разработана методика составления учебных кроссвордов, для заполнения которых студент должен знать основные понятия, события, персоналии истории нашей страны. Задачей студентов является составление кроссворда опираясь на реферативные и презентационные материалы, а также научно-популярные фильмы, входящие в состав учебно-методического комплекса, данной дисциплины. Основой является вопрос или любое историческое событие, позволяющие дать ответ в одно слово. Кроссворд используется в качестве проверки знаний на семинарских занятиях. Данная методика формирует у студентов навыки работы в команде, развивает креативность и оригинальность мышления, а также способность обучаемого к самостоятельной оценке, переработке и использованию предоставленной ему информации. Основное отличие при составлении учебного кроссворда от традиционного контроля уровня знаний, состоит в том, что у студентов появляется неформальный интерес к работе с историческими источниками и учебниками, что позволяет осуществить принцип дифференцированного подхода к студентам и индивидуализации обучения. Развитие познавательных способностей является главным резервом повышения эффективности подготовки специалистов. Для проведения исходного контроля уровня знаний студентов к каждому занятию подготовлены контрольные вопросы. Контроль степени освоения компетенций по дисциплине определяется на семинарских занятиях путем

устного опроса. Изучение курса истории Узбекистана завершает контроль знаний в форме зачета. Таким образом, преподавание истории Узбекистана является актуальным и неотъемлемым звеном образовательного процесса медицинского ВУЗа, основанного на современных методологических подходах и направленного на формирование мировоззрения бытия своей будущей профессии.

Литература

1. Хайтматова Г.А., Одылова Д.Б. К вопросу современного обучения «Истории Узбекистана» в медицинском институте. Міжнародний науковий журнал «Інтернаука» . 2017;5:54-55.
2. Хайтматова Г.А. К вопросу о патриотическом воспитании студентов Ташпми/ Міжнародний науковий журнал «Інтернаука». 2020;8:48-49.
3. Яворская С.Д., Николаева М.Г., Болгова Т.А., Горбачева Т.И. ИННОВАЦИОННЫЕ МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ СТУДЕНТОВ МЕДИЦИНСКОГО ВУЗА. Современные проблемы науки и образования. 2016.
4. Tulaganova G.O. Professional motivation of students and their psychological features International correspondence scientific and practical conference. “European research: innovation in scince, education and technology”. London, 2018.

Сагатова З.Б.

ЎЗБЕКИСТОН - ТУРКИЯ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ МУШТАРАКЛИГИ ЁХУД АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ҲАҚИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАР

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

“Икки яҳудий бирлашса ширкат қурар,
Икки туркий бирлашса давлат қурар”
Туркий халқлар мақоли

Маълумки, Ўзбекистон давлати билан Туркияни жуда кўп асослар, яъни ўхшаш тил, анъана ва удумлар, ягона дин, азалий дўстлик ҳамда муштарак маданий алоқалар боғлаб келган. Икки халқ геосиёсий жойлашув ва тарихий тараққиётдан тортиб, ҳозирги ривожланиш босқичида кечаётган ислоҳотларнинг ўзига хослигигача бўлган кўп умумий жиҳатларга эгалиги билан ҳам бир-бирига ўхшашдир.

Гапни аввало, умумий тарих билан боғланган ўзбеклар ва туркларнинг қардош халқ эканидан бошлашимиз керак. Чунки бугунги туркларнинг аждодлари замонавий Туркия ҳудудига Мовароуннаҳр заминидан кириб келган. Айнан шу сабабли Ўзбекистон Туркияда аждодлар замини деб ҳисобланади ва “ота юрт”, деб қадрланади.

Географик жиҳатдан Ўзбекистон Осиёнинг марказида жойлашган бўлиб, унинг турли тарафларини боғласа, Туркия эса Осиё ва Европани боғлаб турувчи давлат ҳисобланади. Геосиёсий жойлашувнинг ушбу хусусиятлари қадим замонлардан буён турли маданият ва цивилизацияларнинг бир-бири билан мулоқоти ва ўзаро ҳамкорлиги, савдо йўллари кесишиш марказлари саналган икки давлатнинг тарихий ривожланиши билан боғлиқ ўзига хос умумий жиҳатларни ҳам белгилаб беради. Ҳар икки давлат бир пайтлар тарихдаги энг машҳур транспорт йўлаги бўлиб хизмат қилган Буюк ипак йўлининг асосий бўғинларига кирган.

Мамалакатларимизнинг минтақавий аҳамияти ўз минтақаси ривожидаги ўхшаш ролини ҳам белгилаб берар, чунки улар ўз вақтида Осиёнинг энг қудратли давлатлари ҳисобланарди. Усмонийлар империяси бир пайтлар Ғарбий Осиё, Шимолий Африка ва Жануби-шарқий Европани бирлаштирган бўлса, темурийлар давлати Осиё ва Яқин Шарқнинг марказий қисмини Ҳинд океанигача туташтирган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ўзига тарихан, маънан ва этник яқин бўлган Туркия билан дўстлик алоқаларини йўлга қўйди. Шу сабабли ҳам Туркия Республикаси 1991 йил 16 декабрда Ўзбекистон мустақиллигини дунёда биринчи бўлиб тан олди. 1992 йил 4 мартда эса икки давлат ўртасида дипломатик



муносабатлар ўрнатилди. Шу йилнинг апрель ойида Ўзбекистонда очилган хорижий элчихоналарнинг биринчиси ҳам айнан Туркия Республикасиники эди. Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистоннинг Туркия билан расмий дипломатик алоқалари ўрнатилганлигига 30 йил тўлди.

Шу муносабат билан ўтган давр мобайнида икки мамлакат ўртасидаги биродарлик ва қардошлик руҳидаги ҳамда ўзаро иқтисодий манфаатлар устуворлиги асосида шаклланаётган алоқалар тизимидаги ўзгаришларни кузатсак, бу муносабатлар янги шакл ва мазмун касб этиб бораётганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин бўлади.

Шу билан бир қаторда, Туркия мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йўлини ва сўнгги вақтларда замонавий ташқи сиёсий стратегияси доирасида халқаро майдонда ташлаётган дадил қадамларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Албатта, бугунги кунда ўзаро ҳамкорлик ривожига асосий туртки бераётган муҳим омил сифатида икки мамлакат етакчилари ўртасидаги дўстона алоқалар, мунтазам учрашувлар, самимий мулоқотларни алоҳида эътироф этиш жоиздир.

Шуларни инобатга олган ҳолда, ҳеч иккиланмасдан таъкидлаш мумкинки, айнан Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва Туркия давлати раҳбари бўлмиш Режеп Эрдўғаннинг сиёсий иродаси, қатъияти ҳамда улар ўртасидаги муносабатлар тарихида мутлақо янги саҳифа очилишига имкон яратиб берди.

Натижада алоқалар истиқболларини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида муҳим келишувларга эришилиб, ушбу битимлар бўйича дадил амалий ҳаракатлар бошланди. Жумладан, икки давлат муносабатлари тизимида янги мулоқот формати, яъни олий даражадаги Ўзбекистон-Туркия стратегик ҳамкорлик кенгаши тузилди. Ушбу кенгашнинг биринчи йиғилиши икки давлат раҳбарлари ҳамраислигида 2020 йил 19 февраль куни Анқара шаҳрида бўлиб ўтди. Мазкур учрашувда эришилган келишувлар ҳар икки мамлакат алоқалар тарихида яна бир муҳим ҳодисага замин яратиб, шу йили 7 март куни Самарқанд шаҳрида консуллик идорасини ташкил этган Қозоғистондан кейинги иккинчи мамлакатга айланди. Ушбу ҳодиса шубҳасиз Тошкент ва Анқара ўртасида боқий дўстликнинг яна бир рамзи сифатида эътироф этилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Туркияга йилига ўртача 40 миллиондан ортиқ сайёҳлар ташриф буюриб, бу соҳадаги мамлакатнинг йиллик даромади 30 миллиард АҚШ долларидан ошади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, бир қатор турк экспертларининг мамлакатимиздаги зиёрат туризмини ривожлантириш мақсадида маъсул лавозимларда иш фаолиятига жалб қилинишлари бежиз эмас. Бугунги кунда давлатимизни зиёрат қилиш мақсадида ташриф буюраётган мусулмон ўлкалари сайёҳларининг катта қисми ҳам Туркия фуқароларига тўғри келмоқда. Хусусан, 2019-2021 йил якунларига кўра юртимизга келган турк сайёҳларининг умумий сони 120 минг кишига яқинлашди.

Шуларни инобатга олган ҳолда, яқин истиқболда ўзбек-турк алоқаларини янада ривожланиши мумкинлиги ҳақида гапириш учун барча асосларга эгамиз. Бунга эса яна қуйидаги омиллар қўшимча замин ярата олади.

Биринчидан, ўзбек ва турк халқларини азалий дўстлик, биродарлик ва қардошлик ришталари ўзаро боғлаб туради. Ҳар икки мамлакат аҳолисининг маданияти, дини ва урф-одатлари бир-бирига жуда яқин. Бу эса муносабатларнинг чуқур тарихий ва маданий илдизларга эга эканлигини кўрсатиб, мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда. Қолаверса, маданий ва тарихий жиҳатдан бу икки мамлакат туркий халқлар тамаддуни ривожида марказий ўринга эга бўлган. Шунинг учун ҳам бўлса керак, 2019 йили Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши ташкилотига тўлақонли аъзо давлат сифатида қўшилиши барча иштирокчи давлатлар томонидан юқори баҳоланди ва кўтаринки кайфиятда кутиб олинди. Ўз навбатида, бу ҳодиса нафақат туркий оламда биродарлик руҳининг мустаҳкамланишига, балки Анқара ва Тошкент ўртасида янги мунтазам ҳамкорлик форматини пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлди.

Иккинчидан, Президент Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, халқ фаровонлигини ва ҳаёт даражасини ошириш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар дастурини жадаллик билан олиб бормоқда. Мазкур сиёсатнинг муваффақияти қисман бўлсада мамлакатимизнинг ташқи ҳамкорлари билан самарали алоқаларни янги сифат босқичига олиб чиқишимизга боғлиқ.

Шу сабабли ушбу ички инқилобий ўзгаришларга янги, фаол, прагматик ва конструктив



руҳдаги ташқи сиёсат ҳамроҳлик қилмоқда. Шу ўринда, Туркиянинг ривожланган саноати, қишлоқ хўжалигида эришган ютуқлари, туризм салоҳияти, улкан давлатчилик тажрибаси ва турк сармоядорларининг Ўзбекистон бозорига бўлган қизиқишларининг ортиб бораётганлиги мамлакатимиз учун муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, Ўзбекистон ўз олдига қўйган дунё Уммонининг дилтортар кенгликларига ва жаҳоннинг янги экспорт бозорларига чиқиш, шунингдек миллий иқтисодиётни халқаро иқтисодий муносабатлар тизимига ва маҳсулотлар таъминоти занжирига чуқур интеграциясини таъминлаш каби қатор стратегик мақсадлари ва бунга нисбатан қилаётган тизимли интилишлари Туркия мамлакатини республикамизнинг мазкур йўналишдаги табиий ҳамкорига айлантирмоқда.

Бунинг сабаби Туркиянинг денгиз сарҳадлари билан чегараланганлиги, жадал ривожланаётган транспорт-коммуникация тизимига эгалиги, Европа ва Осиё қитъаларига географик қўшнилиги ҳамда Ўзбекистоннинг ўз транспорт имкониятларидан тўлиқ фойдаланишидан ҳар томонлама манфаатдор эканлигидадир. Бунга мисол қилиб, 2019 йилдан Анқара томонидан ўзбек автомобил қатновчилари учун 30 кунлик визасиз тартибни жорий этилганини келтириб ўтсак бўлади. Бугунги кунда Ўзбекистон Туркия, Озарбайжон ва Грузия ҳудудларидан ўтувчи “Боку-Ахалкаласи-Карс” темир йўл тармоғидан ҳам кенг фойдаланмоқда. Ушбу транспорт йўлаги бизни Ғарб бозорларига олиб чиқувчи энг қисқа транзит йўналиши ҳисобланади.

Тўртинчидан, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш ва уни дунё миқёсидаги рақобатбардошлигини ошириш мақсадлари ташқи ҳамкорлар билан саноат кооперацияси йўналишидаги ҳамкорликни кучайтириш, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, ташқи сармоялар ва юқори технологияларни кенг кўламда жалб этишни талаб этмоқда.

Шу маънода, Ўзбекистон ва Туркия иқтисодий тараққиёт стратегиялари бир неча муҳим соҳаларда бир-бирини тўлдириш қобилиятига эга эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бунга сабаб, Туркия дунёнинг 20 та йирик иқтисодий ривожланган давлатлардан бири ҳисобланиши ва Ўзбекистон учун муҳим ҳисобланган туризм, тўқимачилик, автомобилсозлик, қурилиш, озиқ-овқат саноати соҳаларида юқори натижаларни қўлга киритганлигидадир.

Хусусан, Туркия тўқимачилик ва заргарлик буюмлари саноати дунёдаги кучли бешталикка киради. Турк қурилиш ширкатларидан 44 таси жаҳон миқёсидаги етакчи 250 та қурилиш компаниялари рўйхатидан ўрин эгаллаган. Бу кўрсаткич бўйича Туркия дунёнинг иқтисодий етакчиларидан бири ҳисобланмиш Хитой давлатидан кейинги иккинчи ўринни эгаллаган. Мамлакат озиқ-овқат саноати маҳсулотлари эса Ғарб бозорларига кириб боришга, ундаги ўз позициясини мустаҳкамлашга улгурган бўлса, турк автомобил саноати оддий автомобиллардан миллий электрон автомобилларни оммавий равишда ишлаб чиқаришга ўтиш арафасида турибди.

Бу ҳолат Туркиянинг биз учун қанчалик муҳим иқтисодий шерик эканлигини яна бир бор тасдиқлаб турибди. Чунки янги Ўзбекистон экспортга йўналтирилган мутлақо янги иқтисодий тараққиёт модели асосларини барпо этишга кириши иқтисодиётнинг барча соҳаларида тизимли ўзгаришларни ва бу тармоқларда саноат кооперациясини давомли ривожлантириш мумкин бўлган ишончли ташқи ҳамкорлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлашни тақозо этади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тарих ва бугунги кун ўзбек-турк халқларини нафақат этник келиб чиқиши жиҳатидан, балки уларнинг руҳиятига кўра ҳам ҳақиқий қардош халқлар эканига яққол гувоҳлик бермоқда. Бу икки қардош халқ тарихий тараққиётнинг барча қийинчиликларига қарамасдан, шиддат билан ўзгараётган дунёда рақобатбардош бўлиб қолиш учун зарур ислоҳотларни амалга оширган ҳолда ўз миллий давлатчилигини матонат ва меҳнатсеварлик билан мустаҳкамлаб келмоқда.

Мана шундай яқинлик ва ёндашувларнинг муштараклиги салоҳияти ҳали тўлиқ очилмаган ўзбек-турк ҳамкорлиги бундан буён ҳам ҳар икки мамлакат халқлари фаровонлиги йўлида мустаҳкамланиб, тараққий этиб боришининг энг ишончли гарови ҳисобланади.

Айниқса, сўнгги олти йиллик тарихан қисқа давр мобайнида ўзбек-турк алоқаларини ривожлантириш йўлида мазмунан юз йилликларга татигулик глобал ўзгаришларни амалга ошириш учун мустаҳкам тамал тоши қўйилиб, ҳар икки давлат учун ҳам муҳим бўлган дастурий режалар ишлаб чиқилди



ҳамда амалий ҳаракатлар бошланди.

Муносабатларнинг бундай тарзда ривожланиши Ўзбекистон ва Туркиянинг халқаро майдонда янада нуфузи ортиб, икки давлат иқтисодиёти ўсиш суръатларини барқарорлиги, мамлакатлар халқлари ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги ва яратувчанлик салоҳиятининг тўлақонли амалга ошишини таъминлашга асло шубҳа туғдирмайди

Адабиётлар

1.”Янги Ўзбекистон“ газетаси №63(585), 2022 йил 30 март.

2. А.Шарипов, “Шарқ мамлакатларидаги халқаро муносабатларнинг замонавий трансформацияси”, 2020, 53- бет.

3. А.Каримов, “Ўзбекистон ва Туркия – муштарак қадриятлардан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги босқичи сари”, 2021, 132-бет.

4. “Халқ сўзи” газетаси №5 2020 йил, “Ўзбекистон- Туркия: Буюк тарих бунёд этган икки улуғ халқ”.

5. Сагатова З.Б., Муратова Н.Х. Республикамиз соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси ва аҳамияти.”Педиатрия”, 4-сон, Тошкент, 2021 йил, 19-21 бетлар.

6. Сагатова З.Б., Муратова Н.Х. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ғаракатлар стратегияси” доирасида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ҳақида мулоҳазалар. “Педиатрия”, 1-сон, Тошкент, 2022:205-208.

Тагаев М.А., Каримова М.Ж

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕДИАТРИЯ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Ўзбекистон педиатрия соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимида олиб борилган сиёсати натижасида, соғлиқ соҳасидаги ўзгаришлар болаларни соғлом бўлиб ўсишида яратган имкониятлар мавзунинг долзарблигини оширади. 1991 йилга келиб, барча мутахассисликлар бўйича шифокорлар ҳар 10000 аҳолига 34,1 тани ташкил қилган бўлиб, бу 13,9 та педиатрларга тўғри келган. 2000 йилга келиб умумий шифокорлар 29,5 тани ташкил этиб, уларни 13,6 тасини педиатрлар ташкил қилган. Болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, улар орасида касалланиш ва ўлим даражасини камайтиришда аҳолини педиатрлар билан таъминланганлиги муҳим аҳамият касб этган. Масалан, 1995 йилда республикада 40 та болалар касалхоналари фаолият кўрсатган бўлса,1998 йилда 32 та ва 2002 йилда уларнинг сони 31 тани ташкил қилган[11]. Умумий педиатрия ўринларининг йилма йил қисқариб боришига асосий сабаб, тиббий хизматнинг янги шаклларининг, яъни амбулатор-поликлиника хизмати ва унинг стационар бўлимлари ва кундузги стационарининг ривожлантирилиши, ҚВПлар иш самарасининг оширилганлиги ҳамда улар сонининг ортиб бориши билан изоҳлаш мумкин.

1997 йилда қабул қилинган “Таьлим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида соғлиқни сақлаш тизимининг кадрлар инфратузилмасини ислоҳ қилишга доир бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, таьлимнинг биринчи босқичи-бакалавриатда ўқитишда барча тиббиёт олий ўқув юртлари қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларда ишлаши мумкин бўлган умумий амалиёт шифокорларни (умумий педиатр, умумий гигиеначи-эпидемиолог, умумий стоматолог) тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу мамлакатимиз аҳолисига, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имконини берди. Тиббий таьлимнинг иккинчи босқичи- магистратура 46 та тор мутахассислик (жарроҳлар, кардиологлар, офтальмологлар, юқумли касалликлар шифокорлари ва бошқалар) бўйича шифокорлар тайёрлашни назарда тутади[22].

Республикада юқори малакали кадрлар тайёрлашни режа асосида олиб боришга, тиббиёт амалиётида ишлаётган врачларни илмий

1 [1] Д.А. Асадов., Т.О. Даминов., Н.Ф.Расулова.Ўзбекистонда педиатриянинг ривожланиш тарихи. -Тошкент. 2011.-82-83.

2 [2] https://www.minzdrav.uz/uz/news/detail.php?ID=31619



ишларга жалб қилишга эътибор кучайтирилди. Илмий дастурлар ва инновацион ишларни тиббиёт амалиётига татбиқ қилиниши натижасида даволаш ва ташхис қўйишнинг стандартлари амалиётга киритилди. Болалар жарроҳлигига бўлган талабнинг ошиб боришидан келиб чиқиб, 2003 йили 2- сонли болалар жарроҳлиги кафедраси "Болалар ёшидаги госпиталь жарроҳлиги кафедраси"га айлантирилди[31].

Расмий маълумотларга кўра, 1991 йилда 1 ёшгача бўлган болалар ўлими ҳар минг нафарга 35,3 нафарни ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 15,2 га тушган. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, халқаро экспертларнинг фикрича, Ўзбекистонда чақалоқлар ўлимини нотўғри қайд қилиш ҳолатлари учраганлиги натижасида айрим вилоятларда бу кўрсаткич камайтириб кўрсатилган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас[42].

Таъкидлаш жоизки, чақалоқлар нобуд бўлиши даражаси ҳисоботларда келтирилган ҳомиладор аёлларга ёрдам кўрсатиш муассасаларидаги туғруқни қабул қилиш кўрсаткичи туғиш жараёнининг малакали тиббий хизматчилар билан таъминланганлик даражасига мос келмайди. Масалан, 2002 йили ЮНИСЕФ ёрдами билан Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида нобуд бўлган 3000 боланинг касаллик тарихини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, ўлимга олиб келган сабабларнинг 50,7 фоизи патологик ҳолат ва атиги 13,3 фоизи нафас органлари касалланиши бўлган. Бу таҳлил давомида қуйидаги вазиятларда 50 фоиз гўдакнинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин бўлгани аниқланди:

44 фоиз – бошланғич неонаталь даврда;

32 фоиз – кечиккан неонаталь даврда;

63 фоиз – неонаталь даврдан кейин[53].

Туғилиш ва ўлишнинг барча ҳолатларини аниқ қайд қилиш, нафақат аҳолининг табиий ҳаракати юзасидан ишончли статистик маълумот олишда, балки болалар ҳуқуқини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бундай ҳолатларга барҳам бериш мақсадида 2006 йилдан бошлаб тиббий таълим тизимини кенгайтириш ва уни замон талаблари даражасига олиб чиқиш борасида зарур тадбирларни амалга оширишга киришилди. Жумладан, мазкур йилда тиббий таълим тизимини кенгайтириш, соҳа ривожи учун малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида Марғилон шаҳрида 360 ўқувчига, Гулистон шаҳрида эса 540 ўқувчига мўлжалланган тиббиёт касб -ҳунар коллежлари ишга туширилди. Мамлакатда замонавий тиббий асбоб –ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари ва ихтисослаштирилган марказларда деярли барча аҳолининг тиббий кўрик ва ультра товуш текширувидан ўтказилиши йўлга қўйилди. Эҳтиёждан келиб чиқиб, 2010 йилда. 12 мингдан ортиқ патронаж ҳамширалари, 8 мингдан зиёд педиатр неанатолог, акушер ва тиббиёт ҳамшираси хотин-қизлар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича янги технологиялар асосида таълим олиб, ўз малакаларини оширдилар"[61].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923 сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари талабларини бажариш борасида, соғликни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида тиббий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича муайян ишлар қилинди. Жумладан, 2009 йил 1 январь ҳолатига кўра соғлиқни сақлаш тизимида 71962 врач фаолият кўрсатди (2005 йилда улар 71627 та бўлган). Улардан 43166 нафари малака тоифасига эга бўлган (2005 йилда – 42490 та эди). Уларнинг 20860 таси олий, 20247 таси биринчи ва 2059 таси иккинчи тоифага эга эди (2005 йилга нисбатан 7,2 % ошган)[72].

Малакали кадрларга бўлган талабнинг ошиб бориши натижасида 6 та тиббиёт институти ва уларнинг 3 та филиалларида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 2009-2010 ўқув йилида мазкур олий ўқув юртларига 3372 та талаба қабул қилинди. Улардан 2759 таси бакалавриатга (белгиланган режа – 2861 та), шу жумладан 1071 нафари давлат грантлари асосида ва 613 нафари 53 йўналиш бўйича магистратурага (белгиланган режа

3 [1] Хамраев А.Ж., Эргашев Н.Ш., Малиев М.. 70- лет кафедре детской хирургии Ташкентского педиатрического медицинского института. – Ташкент, 2017. –С. 30- 42.

4 [2] Инсон ривожланиши тўғрисидаги миллий маьруза.-Тошкент, 2006. Саломатлик барча учун. Б-41.

5 [3] Инсон ривожланиши тўғрисидаги миллий маьруза.-Тошкент, 2006. Саломатлик барча учун. 42-б.

6 [1] S.A.Djumanov ..Mustaqillik yillarida tibbiy kadrlar tayyorlash va ularning malakasini oshirish sohasidagi islohotlar tarixiga doir. ILMIY AXBOROTNOMA. Samarqand. 2016-yil 2-son (96) -B.6.

7 [2] https://Lex.uz>docs.



– 696 та), шу жумладан 175 нафари давлат грантлари асосида ўқишга қабул қилинди[83]. Бу республика ҳукумати томонидан соғлиқни сақлаш тизимида кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни, шу жумладан малакали мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжни тўла қондиришга доир масалаларни ҳал этишга эътибор кучайтирилганлигини кўрсатади.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида 2009 йилда клиник ординатура орқали жами 1147 та тор мутахассис, улардан 951 таси (83%) вилоятлар учун тайёрланди. Барча битирувчилар шартнома асосида, ҳудудий соғликни сақлаш бошқармалари томонидан ишга тақсимланган. Вазирлик томонидан клиник ординатура битирувчиларини ишга жойлашиш мониторинги олиб борилди. 2009-2010 йилда клиник ординатурага 1232 та врач қабул қилинди, улардан 1024 таси вилоятлар учун тайёрланди[94].

Малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда, врачларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини такомиллаштиришга эътибор кучайтирилди. Олдинги йилларда 13 минг врач йилига малакасини оширган бўлса, 2009 йил мобайнида Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Андижон ва Самарқанд тиббиёт институтларининг малака ошириш факультетлари, ИТИ ва илмий марказлари қошида 17458 та врач малакасини оширди (режага нисбатан 126,6% ташкил қилган). Бундан ташқари ихтисослаштириш курсларида 18736 та (2008 йилда -16548 та) мутахассис малака оширди.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида 2012-2019 йиллар (февраль ойигача) мобайнида Педиатрия кафедрасида таҳсил олган тингловчилар[101]

8 [3] Убайдуллаева С. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш бўлими ҳисоботи 16.02.2009. 2-бет.

9 [4] Ўша жойда.

10 [1] Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ўқув бўлими бошлиғи. Ф. Шигаеванинг ҳисоботи. (Жорий архив). -Тошкент, 2019.

Адабиётлар

1. Д. А. Асадов. Ўзбекистонда педиатриянинг ривожланиши тарихи. Тошкент, 2011:96.
2. Асадов Д.А., Даминов Т.О., Расулова Н.Ф.Ўзбекистонда педиатриянинг ривожланиш тарихи. Тошкент. 2011:82-83.
3. Djumanov S.A. Mustaqillik yillarida tibbiy kadrlar tayyorlash va ularning malakasini oshirish sohasidagi islohotlar tarixiga doir. ILMIY AXBOROTNOMA. Samarqand. 2016-yil 2-son (96) -B.6.
4. Инсон ривожланиши тўғрисидаги миллий маъруза.-Тошкент, 2006. Саломатлик барча учун. 41-42-б.
5. Тошметова Холида ТашПТИ ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари ҳисоботи.-Тошкент, 2019. (жорий архив).
6. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ўқув бўлими бошлиғи. Ф. Шигаеванинг ҳисоботи. (Жорий архив). -Тошкент, 2019.
7. Убайдуллаева С. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш бўлими ҳисоботи 16.02.2009. 2, 4-бетлар.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий -оммабоп қўлланма. Тошкент .,2019:171.
9. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. №6. Расмий нашр. 13 февраль. 2017й. Тошкент. 125-Б.
10.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий -оммабоп қўлланма. Тошкент.,2019:171.
11.Қодиров Х. “Моҳият” газетаси. 2016й. 6 июль.№25.(825).
12.Халқ сўзи .№133 (6827).7 июль.2017й.
12.Хамраев А.Ж., Эргашев Н.Ш., Малиев М.. 70- лет кафедре детской хирургии Ташкентского педиатрического медицинского института. Ташкент, 2017:30- 42.
14.2016 год-“Год здоровой матери и ребёнка».www.gazeta.uz.
15.ПФ-5590-сон 07.12.2018. Http://lex.uz
16..
17.https://www.minzdrav.uz/uz/news/detail.php?ID=31619 (ҚТ,46-сон454-б.).

Худайбердиев А.К.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИНГ ПОЙДЕВОРИ ИЛМ - МАЪРИФАТ!

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни, учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик.
Шавкат Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев тантанали табрик нутқида тараққиётимизнинг мақсади Учинчи Ренессанс бўлиши лозимлигини илгари сурган эди. Мазкур стратегик ғоя ўзининг улуғворлиги, миллий юксалиш мамлакат тараққиётининг барча жабҳаларида қандай умумий мақсадни кўзламоғи зарурлигини кўрсатади. Учинчи Ренессанс ғоясини, аввало, жамиятимиз чуқур англаши зарурдир.

Шу ўринда нима учун **Учинчи Ренессанс дейилмоқда?** “Ренессанс” сўзи – французча “Renaissonce”, итальянча – “Rinascimento” – қайта юзага келмоқ, янгидан туғилмоқ, қайта тирилиш, уйғониш – деган маъноларни англатиб, атама сифатида унинг мазмуни анча кенг: маданият, илм-фан, санъат, таълим-тарбия, умуман, жамият ҳаётида узоқ муддатли турғунликдан кейин қайта жонланиш, тез ривожланишни, ижтимоий онг ва қадриятлар тизими янги сифат босқичига чиқишини намоён этади. Илк бор атама Европада ўрта асрлар мутаассиблигидан кейин XV-XVI асрлардаги ривожланиш даврига нисбатан фойдаланилган. Ренессанс ижтимоий ҳодиса ўзбек тилига Уйғониш даври деб таржима қилинган. Тарихдан маълумки, биз икки Ренессансни бошимиздан ўтказдик: биринчиси IX-XII асрлар, иккинчиси XIV аср охирги чораги- XVI аср биринчи чораги даврида юзага чиққан.

Биринчи Ренессансда юртимиздан машҳур даҳоларимиз Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий сингари ўнлаб буюк алломаларимизнинг оламшумул илмий ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига беқиёс таъсир кўрсатди. Она заминимиздан етишиб чиққан Имом-Бухорий, Имом-Термизий, Имом-Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий каби улуғ уламолар бутун мусулмон оламининг фахру-ифтихори ва чексиз ғурури ҳисобланади.

Иккинчи Шарқ Уйғониш даври XIV-XVI асрларга тўғри келиб, у “Темурийлар Ренессанси” деб ҳам эътироф этилади ва минтақамизда Иккинчи Ренессанс пойдевори Амир Темур номи билан бевосита боғлиқдир. Соҳибқирон бобомиз Иккинчи Ренессанс ҳомийси, асосчиси сифатида тарихга муҳрланди. Амир Темур марказий бошқарувга асосланган қудратли салтанатни барпо этиш билан бирга, мамлакатда маданий-илмий юксалиш учун ҳам муносиб шароит яратишга интилди. Турли ҳудудлардан диний ва дунёвий илм соҳиблари, шоирлар, меъморлар, ҳунармандлар ва бошқаларни йиғиб, улар орқали мамлакатнинг илмий ва маданий қудрати юксалишига замин яратди. Чингизхон даврида инқирозга учраган маданият, илм-фан, маърифат қайта шаклланди ва тараққий этди. Мамлакат ободлик ва фаровонликка эришди.

Бу икки Ренессанс инсониятга нималарни туҳфа қилди? Бутун дунёга “Байт ул-ҳикма”-Хоразм Маъмун академияси каби илм даргоҳларини тақдим қилди. Ернинг шарсимон экани ҳақидаги ғоя илгари сурилди, глобус яратилди. Ер радиуси илм билан исботланди. Тиббиёт ва алгебра фанининг тамал тоши қўйилди. Шаҳарсозлик, меъморлик соҳаларида қўлга киритилган ютуқлар дунё аҳлини лол қолдирди. Биринчи Ренессансда ислом цивилизациясининг тамал тоши қўйилган бўлса, Иккинчи Ренессансда янада юксалишига йўл очилди. Эътибор берсак, ҳар иккала Уйғониш даврида ҳам энг муҳим жиҳат - давлатнинг эътибори, мамлакат бошқарувида олиб борилган одилона ва оқилона сиёсат, таълим-тарбия устувор бўлган. Бундан ташқари, инсонларда юксак ахлоқ, илм-фанга ташналик билан бирга, борлиқ сирларини очиш ва янги илм яратишга ишонч кучли бўлган. Олимлар ўзлари билмаган ҳолда, бугун олимлар эътироф эта-



ётган Ренессанс даврининг ижрочиларига айланган. Ҳар икки Ренессанс даврида давлат раҳбарлари, олиму фузалолар, биринчи навбатда, ёшлар таълим-тарбияси, маънавияти, иймон-эътиқоди масаласига алоҳида эътибор қаратган. Деярли барча алломалар асарларида таълимни тарбия билан уйғун олиб бориш лозимлиги ҳақидаги фикрларни учратиш мумкин. Масалан, Ибн Сино ўз асарларида илм ва одоб-ахлоқ уйғунлиги, баркамол авлод камолоти ва бахт-саодати, адолат ва диёнат, инсонларнинг ўзаро дўстлиги ва ҳамкорлиги, обод турмуш тўғрисидаги ғояларни илгари сурган. Мутафаккирнинг "Бола баданининг бўғинлари қотиб, тили равон чиқиб, қулоғи эшитиш ва гапни маъқуллаш учун тайёр бўлиб, вужуди илм ва одоб ўрганишга ҳозир бўлганда унга илм ва одоб ўргатиш керак" деб ёзган фикрлари бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда Президент Ш.Мирзиёев "Донишманд халқимиз ҳар икки Ренессанс даврида жаҳоннинг энг илғор, тараққий этган халқлари қаторида бўлгани барчамизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди. Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваломбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак. Бунинг учун олим ва мутахассислар, уламолар бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларда етказиб беришлари зарур"[1] дея таъкидлашида соҳа мутахассисларига катта масъулиятли вазифалар юкланмоқда.

Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилган эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак. Тарихга назар солсак, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини кўрамиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлёзмалар, турли осори атиқалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларидан далолат беради.

Бугун биз учинчи Уйғониш даври остонасида турибмиз. Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг кейинги беш йилда ҳаётимизнинг биргина йўналиши, яъни маърифат, таълим ва илм-фанни ривожлантиришга оид қонун, фармон ва қарорлари, Давлат дастурлари, илгари сурган янгидан-янги ташаббусларининг мағзини тўла чақиб кўрсак ҳам, навбатдаги Маърифат Ренессансининг маркази Янги Ўзбекистон эканига ҳеч кимда шубҳа қолмайди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: "Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас". Албатта, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс каби Учинчи Ренессанс ҳам узоқ давом этадиган жараён. Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш жараёни беш-ўн йил эмас, анча катта ва машаққатли даврни талаб қилади. Бунинг учун, аввало, минглаб истеъдодли кадрлар, иқтидорли замонавий ёшлар, фидойи инсонлар ниҳоятда зарур.

Президентимиз раҳнамолигида юртимизда улуғ ниятлар билан пойдевори қўйилаётган Янги Уйғониш даврининг ёрқин саҳифаларга бой буюк тарихи яратилмоқда. Бу оламшумул самаралар келгуси авлодларга муносиб мерос қолдиришга хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

Албатта, Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда зиёлиларимизга катта ишонч билдирилмоқда. Шунинг учун бу заҳматкаш инсонларнинг илмий ва ижодий изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шароитлар яратишни ўзимизнинг бирламчи вазифамиз сифатида кўришимиз даркор. Шу мақсадда ҳукуматимиз томонидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга ошириб келинмоқда[2]. Шу ўринда ҳар қандай фикр ҳам ғоя бўла олмайди. Унинг ғояга айланиши учун одамларни бирлаштирадиган, ўз орқасидан эргаштира оладиган хусусият бўлиши лозим. Демак, Пре-

1 Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент "Ўзбекистон" нашриёти 2021, 225-бет.

2 Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент "Ўзбекистон" нашриёти 2021, 42-бет.



зидентимизнинг “Учинчи Ренессанс пойдеворини яратамиз”, деган фикри ғояга айланиши, рўёбга ошиши учун, аввало, барчамиз бирдек ишонишимиз, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориб, фуқароларнинг дунёқарашида ана шу ғояга ишончни, маънавий-руҳий ҳолатни шакллантиришимиз лозим. Чунки муайян дунёқараш асосидаги ғоялар, тимсолларни ихтиёрий ёки анъана туфайли ҳақиқат сифатида қабул қилган ҳамда муайян жамоа олдида шу ишончига содиқ қолишга ички ҳис-туйғу билан иқрор бўлган инсон ўша ғояларда назарда тутилган муносабатларнинг ташувчиси, қадрловчисига айланиб, бошқаларни ҳам шунга даъват қилади.

Ўзбекистонда XXI асрда Учинчи Ренессанс даври барпо этилишига ишонган одам қалбан юртимизни аввалги Ренессанслар даврида бўлгани каби, энг тараққий этган мамлакатлар қаторида кўради. Юртимизнинг келажаги нима сабабдан буюк бўлиши, нега бунчалик ишонч билан айтилаётгани ҳақида тушунчаси бор, шунинг учун ҳам у хулоса чиқара олади.

Иккинчи Ренессанс пойдеворини яратишда бош бўлган Амир Темур ишни дастлаб фарзандлар тарбиясидан бошлади. У ёшлар тарбияси борасида қатор муҳим ишларни амалга оширди.

Биринчидан, ҳар бир қишлоқда бошланғич таълим берувчи мактабларни ташкил қилди, ёшларнинг, пировардида халқнинг саводли, билимли бўлишига эришди. Мамлакатдаги маърифий-тарбиявий ишлар давлат томонидан идора қилиниши зарур, деб ҳисоблаб, ўзи бу ишда ўрнак бўлди.

Иккинчидан, илмнинг ривожланишида турли соҳадаги китобларнинг аҳамияти катталигини назарда тутиб, китобни “донишмандликнинг асоси” ва “ҳаётни ўргатувчи”, “инсонни тарбияловчи восита” деб баҳолади. Комил инсонни шакллантиришда билим билан тарбияни ўзаро алоқадор деб тушунди.

Учинчидан, давлат келажаги бўлган ёшларни юксак ахлоқий фазилатларга эга, инсонпарвар, жисмонан бақувват, ватанни севадиган, ҳарбий билимга эга, миллий ғурурли этиб тарбиялашни асосий талаблардан деб билди. Фуқароларни ҳам шунга ишонтира олган Соҳибқирон мамлакатнинг маънавий, маданий, илмий қудратини юксалтиришга эришди. Бу ҳолат мамлакатда маънавий бой инсонларнинг тарбияланишига замин яратди.

Бугунги янги Ўзбекистонда ҳам ана шундай муҳит яратилаётир, ёшлар ижодда ҳам, илмда ҳам, тарбияда ҳам пешқадам қилиб тарбияланмоқда. Улар тарбиясида ҳал қилувчи ўрин тутадиган боғчалар ва мактаблар тизимида улкан ўзгаришларга гувоҳ бўлиб турибмиз. Президентимиз бошчилигида “бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган яхлит ва узлуксиз тизим яратиш, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадга эришиш йўлида янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни таъминлаш муҳим”лигига эътибор қаратилмоқда.

Ренессанснинг таянч устунлари бўлмиш биз - педагоглар, тарбиячилар, ўқитувчи, зиёлилар ҳамда ота-оналар бундай имконият ва шарт-шароитлардан фойдаланиб, маънавияти юксак авлодни тарбиялашимиз ва иймонни қарор топтириш чораларини кўришимиз керак. Аввало, ҳар бир шахс, айниқса, ёш авлодни Учинчи Ренессанс барпо этилишига ишонтиришимиз керак.

Бугун Янги Ўзбекистонда “Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари” бош ғоясига таяниб, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш вазифаси қўйилган экан, уни бажариш учун биргина раҳбар, педагог ёки тарбиячи эмас, балки шу Ватан барчамизники, дея кўнглида ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонийлик фазилатлари мужассам, иймон-эътиқоди бутун бўлган ҳар қандай шахс тарғиботчи бўлиши лозим.

Тўғри, биз Учинчи Ренессансни бир йилда, беш йилда, ўн йилда амалга оширамиз, деб бонг урмаймиз, лекин мана шу Ренессансни яратадиган авлодни вояга етказишга кучимиз ҳам, қудратимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етарли. Шундай экан, биздан фақат меҳнат ва таълим-тарбия самарадорлигини ошириш талаб қилинади.

Мустақилликка эришган йилларимизнинг илк даврида биз ўзимизнинг миллий ўзлигимизни англаш, бой тарихий-маънавий ҳамда илмий меросимизнинг асл мазмун-моҳияти мағзини чақиш ва уни рўёбга чиқаришга интилган бўлсак, эндиликда халқимиз жипслашиб “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясини собит қадамлик билан амалга оширишга киришди. Бу даврда жа-



миятимизда ижтимоий тафаккурнинг юксалиш тенденцияси қарор топиши, унга хос ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятларнинг мужассамлиги эътироф этилмоқда. Миллий руҳ ва умуминсоний қадриятлар уйғун бўлган ижтимоий тафаккур – мамлакатимиз барқарор ривожланишининг ўзак мезони ва мустаҳкам пойдеворига айланмоқда.

Президентимиз ҳозирги даврни миллий тикланишдан миллий юксалиш сари деб эълон қилганлигининг замирида қатъий ишонч ва чуқур ҳикмат бор. Негаки, кейинги 10 йиллигимиз асл юксалиш ва тараққиёт даври бўлиши муқаррар. Зеро охирги йилларда қабул қилинган ва албатта қилинадиган қонунлар, фармон ва қарорлар, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар тараққиётнинг янги уфқларига асос бўлади. “Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак. Тарихга назар солсак, Буюк Ипак Йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини кўрамиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлёзмалар, турли осори атиқалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларидан далолат беради”[3], дейди Президент Шавкат Мирзиёев.

Мазкур жиҳатларни “Жамият – ислоҳотлар ташаббускори”, “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”, “Ҳалоллик вакцинаси”, “Маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди!”,“Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”, “Халқ биздан рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади”, “Адолат – қонун устуворлигида”, “Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир”, “Биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз”, “Биз – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан қўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли, буюк халқмиз” каби тамойилларни амалиётга татбиқ қилинаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Президентнинг илм-маърифатни ривожлантиришга қаратилган кўплаб чиқишларида нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билим савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак бўлиб, илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади деб донишмандларча айтган сўзлари муқаддас китобимиз Қуръоннинг илк оятида хам “Ўқинг”, “Ўқинг” деб илму маърифатга алоҳида урғу берилганлиги ва “Илм”сўзининг такрор ва такрор келганлиги ҳамда Имом Бухорий бобомизни “Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай!” каби сўзлари бу даъватнинг нақадар муҳимлигини англатади. Шунинг учун Президент 2020 йилда Олий Мажлисга мурожаатидаги нутқларида бекорга “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!” деб уқтириб ўтмади.

Илм-фан, маънавият-маърифатга йўналтирилган сармоя буюк келажак учун киритилган инвестициядир. Илм-маърифат ривожланмаган давлат ҳеч қачон тўлақонли давлат бўла олмаслиги бизга узоқ тарих ҳамда бугунги асримиздаги юксак тараққий этган илғор мамлакатлар тажрибасидан жуда яхши маълум. Дарҳақиқат, илм-маърифат икки дунё саодатидир, илм-маърифатсиз киши берилган неъматлар қийматини англаб етмайди ва илм-маърифат инсон учун нажотдир.

Шу боис, юртимиз қадим-қадимдан илм-маърифат маркази, цивилизациялар чорраҳаси бўлиб келган. Ушбу табаррук заминдан дунёга илму ирфон зиёсини таратган буюк алломалар, олиму мутафаккирлар етишиб чиққан. Улар илм-фаннинг кўплаб жабҳаларига асос солиб, жаҳон тамаддунининг шонли маёғи бўлиб келганлар. Таъкидлаш жоизки, хусусан, Ўзбекистон ҳудуди ҳам Шарқ Ренессансининг йирик марказларидан бири сифатида дунёга маълум ва машҳур бўлганлигини таъкидлаш бизга фахр ва ғурур бағишлайди.

Халқимизнинг улуғвор қудрати буюк ватандошларимиз – алгоритм асосчиси Ал-Хоразмий, қомусий олим Ал-Фарғоний, геодезия ва минералогия фанлари ривожига улкан ҳисса қўшган Абу Райҳон Беруний, Ғарбда Авиценна номи билан танилган Ибн Сино, давлат арбоби ва буюк астроном Мирзо Улуғбек

3 https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-ituv-30-09-2020



сингари ўнлаб мутафаккирлар, яъни илм-фан асосчилари қилган кашфиёт ва изланишларда намоён бўлиб турибди.

Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Ҳаким ат-Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий сингари аждодларимиз номи эса нафақат ислом олами, балки жаҳон цивилизацияси тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Шу сабабли ҳам давлат раҳбари ўз нутқида илм-фанга бўлган юксак эътибор ва таълимга тўхталиб, “Вақт ўтиб, болаларимиз ҳам Улуғбек, Ибн Сино, Беруний бўлади, мен бунга албатта ишонаман” деб таъкидлади.

Учинчи Ренессанс даврининг аломатлари мактабгача таълимни ривожлантириш борасида ислоҳотлар натижасида давлат, хусусий, оилавий болалар боғчалари сони 18300 тага етказилди. Шунинг ҳисобидан мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси **69,4** фоизга кўтарилди. 2019 йилдан мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги Президент мактаблари, Ижод мактаблари иш бошлади. Олий таълимни ривожлантириш учун ўтган 6 йил мобайнида олий ўқув юртлар сони 77 тадан 177 тага етди, 31 та нуфузли хорижий университетнинг филиали, 27 та нодавлат олий таълим муассасалари, етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Шунга кўра, ёшларни олий таълимга қамраб олиш даражаси 32 фоизга етказилди. Яқин келажакда мактаб битирувчиларининг 50-60 фоизи олий таълим муассасаларида ўқиш имкониятига эга бўлади.

Охирги йилларда давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни ўзаро боғлайдиган мустаҳкам механизм босқичма-босқич ишлаб чиқилиб, жорий этилмоқда. Мамлакатимиз ривожланишида илм-фаннинг ролини кучайтиришга қаратилган ислоҳотларнинг амалий натижаси сифатида 2017-2020 йилларда қатор илмий, таълим ва инновацион ташкилотлар (тузилмалар) ташкил этилди. 32 та илмий-инновацион тузилмалар (6 та технопарклар, 8 та илмий марказлар ва 18 та илмий- тадқиқот институтлари) ҳамда янги 29 та олий таълим муассаслари ва уларнинг филиаллари шулар жумласидандир.

Кўриниб турганидай, мамлакатимизда янги даврнинг пойдевори бўлмиш жуда кенг миқёсдаги янгича сифат ва кудратга эга замонавий инновацион тизимларни яратиш жараёнлари давом этмоқда. Давлат раҳбаримиз назарда тутган Учинчи Ренессанс - мамлакатимизда илм-фан тараққиётининг, иқтисодиёт ва жамиятнинг, халққа хизмат қилиш ва кишиларни рози қилишдай эзгу ният билан амалга оширилаётган барча ютуқлар – кишиларимиз ва ёшларимиз ақлу заковатининг, иқтидор ва истеъдод қувватининг ёркин тантанаси бўлади.

Бугунги кунда ҳар бир Ватан фидойилари, илм-фан арбоблари, тадқиқотчилар, олимлар диёримиздаги янги уйғониш даврининг ўзига ҳос бўлган жиҳатларини соҳалар кесимида тадқиқ қилишга киришди. Жумладан педагогика фанлари доктори, профессор М.Қуронов ва психология фанлари бўйича фалсафа доктори Х.Жабборовлар томонидан учинчи ренессанс даврининг ғоявий, мафкуравий, педагогик, психологик жиҳатлари тадқиқ қилиниб, қуйидагича таҳлиллар келтирилган. “Учинчи Ренессанс – маъно + фикр + ғоя + ҳаракат = Миллий ғоя!” формуласи келтирилади. Бунда асосан мустақилликни мустаҳкам ҳимоялаш кераклиги, мазкур ҳолат бўйича ўтмишдан сабоқ чиқариш кераклиги, масалан мустақилликни ҳарбий ҳимоялаш мумкинлиги, маънавий ҳимоялаш мумкинлиги, тарихдан бизга маълумки, биз қачон мустамлакага тушган бўлсак, халқнинг бирлашмаганлиги сабабли содир бўлганлигини кўрамиз. Халқнинг бирлашмаганлигининг сабаби эса, ҳаммани бирлаштирадиган ғоя ишлаб чиқилмаганлиги ва бу ғоя одамларнинг қалбига сингдирилмаганлиги бўлиб чиқади.

Бизда бу ғоя бор “Миллик тикланишдан – миллий юксалиш сари”. Энди мана шу мустақилликни ҳимоя қилиш, учинчи ренессанс пойдеворини ҳимоя қилишимиз керак. Биз буни ўз вақтида ҳимоя қилмасак, у душманлар томонидан бузилиши мумкин. Буни ҳам маънавий томонидан ҳимоя қилишимиз, яъни Учинчи Ренессанс даври пойдеворини бузишга ҳаракат қилаётганларга қарши курашишимиз керак. Бизга узоқдан туриб маънавий ҳужум қилишяпти. Мана шу маънавий ҳужумларга индамай турмаслигимиз керак. Уларга жавоб беришимиз керак ва бу ҳам илмий асосда бўлиши керак. Учинчи Ренессанснинг қурилиши ва ҳимояси илмий асосга қурилса, бу катта кафолат бўлади. Ватанни чегарачи қўлида қурол билан қандай ҳимоя қилаётган бўлса, одамларнинг маънавиятида ҳам шун-

дай ҳимоя ўрнатилади.

Учинчи Ренессанс миллий ғоя нима учун биз уни маънавий ғоя деб аташимиз керак. Чунки илмга қарасак бунинг жавобини биламиз. Унда маъно деган сўздан бошлаймиз. Чунки Учинчи Ренессанс даври мукаммал амалга ошиши учун, тез амалга ошиши учун одамлар, ёшлар учинчи ренессанснинг маъносини тушуниб олишлари керак, қабул қилиб олишлари керак. Ўзига манфаатли эканлигини англашлари керак. Ўзини бахтли бўлишлиги учун Учинчи Ренессанс бўлишлигига иқрор бўлиши керак. Маъносини тушуниши керак. Маънодан кейин фикр келади. Фикрдан кейин ғоя келади. Ғоядан кейин ҳаракат бошланади. Ҳаракат эса Учинчи Ренессансни яратади.

Демак, биз ҳозир шуни бошидан бошламасак, бошидан пухта илмий асосда илмий ташкил этмасак мураккаб бўлади. Нима учун мураккаб бўлади? Одамлар яхши тушунмаса, яхши англамаса, ўзини манфаатини кўрмаса, умуммиллий ҳаракатга қўшилиши қийин бўлади. Яна уларни чақириб, йиғиб ташкил қилиш керак бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мамлакатимизда илм-маърифатга берилаётган алоҳида эътиборнинг замирида чуқур маъно бор. Илм-маърифат – бу янги уйғониш даврининг пойдевори, унинг асосида эса шу юрт фуқароларининг миллий тафаккури, миллий ғояси, эртанги кунга, тараққиётга бўлган ишончи бўлиб, қайсики, жамиятдаги барқарорликни таъминлаб берувчи асосий устувор омиллардан биридир. Илм-фан ривожланар экан, нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий-маданий соҳанинг ҳам тараққиёти кафолатланади, мазкур кафолат эса ўзида янги Ренессанс даврини ифода этишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Saydazimov K.T.

NORMATIV TUSHUNCHALARNING MANTIQIY ASPEKTLARI

Toshkent pediatriya tibbiyot instituti

“Albatta, bugungi kunda zamonning o’zi oldimizga dolzarb qilib qo’yayotgan o’tkir masalalarni hal etish, O’zbekistonimizni jaxondagi rivojlangan, demokratik davlatlar qatoriga olib chiqish oson emas. Buning uchun hammamiz – butun xalqimiz birgalikda, bir yoqadan bosh chiqarib, harakat qilishimiz kerak. Ana shunday umummilliy birlik va hamjihatlikning asosiy shartini men avvalo odamlar bilan, jamoatchilik bilan ochiq va samimiy muloqot tashkil etadi” – deb ta’kidlagan edi Sh.M.Mirziyoyev. [1: 110].

Bugungi zamonamizda insonga jamiyatning turli jabhalarida axborot vositalari orqali sodir etilayotgan rang-barang olamshumul voqea hodisotlar bir zumda yetkazilib turibdi. Albatta bu jarayon o’ziga xos ijobiy tomonlari mavjud. Buning barobarinda u yoki bu tafsilotlardan bohabar bo’lgan sub’yekt o’zining shaxsiy fikrlarini, yondashuvlarini ifoda etib boradi. Bu jarayonda u har bir inson uchun bo’lgan qadriyatlar tizimida jo bo’lgan ustqurmadaga tayanadi. Har qanday falsafiy yondashuvlar asos vazifasini diniy, dunyoviy yoki boshqa turli ta’limotlar asosida yaratiladi. Bu esa odamlarning muayyan ijtimoiy, huquqiy, siyosiy qadriyatlariga bo’lgan yondashuvini yanada kuchaytiradi va uning baholash mulohazalarini namoyon bo’lishiga xizmat qiladi. Albatta, baho va normalarga oid hodisa, voqea, jarayonlarni o’zida aks ettiruvchi, ularning mohiyatini ochib beruvchi tushunchalari, kategoriyalari mavjud.

Ijtimoiy fanlarning muhim tarkibiy qismi bo’lgan, baholash mantig’i va deontik mantiq nazariy bilimlar bilan chambarchas bog’liq bo’lib jamiyat taraqqiyotini belgilab beradi. U ijtimoiy baholovchi mulohazalarining mantiqan umumlashmasi, sintezidir. Baholash mantig’i hayot, hayot tarixiy taraqqiyot jarayonida ilgari surgan ijtimoiy mulohazalar negizida o’z xulosalariga aniqliklar kiritadi, ularni boyitadi va rivojlantiradi. Ma’lumki, falsafa ijtimoiy faoliyatda voqeilik hodisalarni, inson ongi, hatti-harakatlarini ham baholash jarayoni doimiy ravishda sodir etib kelinadi. Baholarda sub’yektiv va ob’yektiv haqiqatlarning o’zaro munosabatlari, tafovutlari yaqqol ko’zga tashlanadi. Ma’lum bir shaxs tomonidan u yoki bu ob’yektlarni foyda va zarar, yaxshi va yomon, sevgi va nafrat kabi qadriyat kategoriyasi orqali taqqoslashga urinadi.

Baho va normalar tadqiqoti barcha gumanitar va ijtimoiy huquqiy fanlar bilan uzviy bog’liqdir. Baholash jarayoni mazkur fanlar tadqiq etadigan voqea hodisaning umumiyligidan kelib chiqadi. Ular o’z predmeti doirasida baho va normalarni ijtimoiy vosita sifatida o’rganadilar. Ijtimoiy fanlar: falsafa, huquqshunoslik, sotsiologiya,

dinshunoslik, politologiya, tarix kabi fanlar umumiy tarzda tabiat va jamiyat, inson - ijtimoiy mavjudot, insonning atrof-muhitga munosabati kabi ilmiy tushunchalarini o'rganish bilan bog'liqligida baho va normalarning ilmiy yondashuvini kuzatsa bo'ladi.

Jamiyatda inson u yoki bu sifatlari o'zga insonlar munosabatlarida namoyon bo'ladi. Shaxsning shakllanishi – ikki tomonlama jarayonni o'zida aks ettirib, unda kundalik muloqot jarayoni, insonlar o'rtasida fikr, mulohazalar bilan almashinish, chuqur munozaralar alohida ahamiyatga ega. [2: 43]

Ongning aksiologik funksiyasi (baholash) funksiyasida inson tashqi dunyo haqida ma'lumotlar olish bilan bir vaqtda ularni o'z ehtiyojlari va manfaatlari nuqtai-nazaridan baholaydi. Ong, bir tomondan, ob'yektiv aks ettirish shakli, inson mayllari va manfaatlariga bog'liq bo'lmagan voqeilikni bilish shakli hisoblanadi. Bilimlar olish, obektiv haqiqatning tagiga yetish, bilish faoliyati sifatidagi anglash jarayonining natijasi va maqsadiga aylanadi. Boshqa tomondan, ong voqeilikka sub'yektiv munosabat ko'rinishlarini, uni baholash, o'z bilimini va o'zini anglab yetishni ham o'z ichiga oladi. [3: 336]

Baho va normalar falsafiy yondashuvi tadqiqotida nihoyatda murakkab va serqirra ilmiy ob'yekt hisoblanadi. Chunki baho va normalar jamiyatda yaxshilik, majburiyat, adolat, hayot mazmuni, inson fazilati va qadr-qimmati, haqiqat kabi ahloqiy kategoriyalari bilan chambarchas bog'liq. Bu kabi masalalar yechimi antik davrlardan boshlanib faylasuf, mutafakkirlarning e'tiborida bo'lib kelgan. Shaxs odatiy kundalik hayotida uchrab turadigan turli ijtimoiy masalalar yechimi jamiyat taqdiriga foydali yoki zarar keltiradigan natijadarda ijtimoiy, shaxsiy fikr va mulohazalarga ehtiyoj tug'iladi. Baholash mantig'ida o'rtaga qo'yiladigan masalalardan biri ham mulohazalarni, dalillar asosida birinchidan, chin yoki yolg'onligini; ikkinchidan, mantiqiy modal tushunchalarni tahlilini; uchinchidan, mantiqiy, ilmiy usullardan foydalangan holda mulohazalarning maqsadga muvofiqliligini aniqlashdan iborat. Ushbu jarayonda fikr mulohazalarning ob'yektiv yoki sub'ektiv xarakterga egaligini inobatga olgan holda "yaxshi", "yomon", "befarq" kabi tushunchalar bilan qiyosiy o'rganishni o'z ichiga oladi. Jamiyatda yuzaga keladigan ijtimoiy, ahloqiy, siyosiy, huquqiy masalalar ijtimoiy muhokama, bahs-munozaraga duch kelmay iloji yo'q. Qiziqarli tomoni shundaki, inson o'zining hulq-atvori bahosini jamiyatda mavjud bo'lgan normalar asosida belgilab beriladigan bahoga muhtojligini, uni ma'nan rag'batlantiruvchi kuch sifatida o'zida emas balki ob'yektiv faktorlarda topishga harakat qiladi.

Inson rivojlanishi – bu ichki va tashqi, boshqaruvchi va boshqarilmaydigan faktorlar asosida shaxs shakllanishi jarayoni hisoblanadi. Ushbu shakllanish jarayoni aniq bir ijtimoiy muhit, unga ta'sir qiluvchi insonlar fikri sharoitiga bog'liq.[4: 120]

Inson narsa va hodisalarning hususiyatlarini anglab, ularning qiymatini baholashga, ya'ni jamiyat aksiologik jihatini ochib berishga intiladi. Ongning sub'ektiv jihati insonning faol amaliy faoliyati: tanlash, rejalashtirish, baholash kabi jarayonlar haqida o'ziga hisobot berishni taqozo etadi. Bu jarayon esa baholash tushunchalari bilan bog'liqdir.

Baholash tushunchalaridan aksiologik kategoriyalar sifatida ob'yektning mutloq va taqqoslovchi xarakterini belgilashda keng foydalaniladi. Baholashning sub'yektiv tabiati turli nazariyalarda tadqiq etilib, dunyoni insonparvarlik g'oyalarini ifodalab keladi. Aniq fikrga kelishda baholash jarayoni birlamchi darajadagi vosita hisoblanib, sub'yekt va ob'yekt o'rtasidagi munosabatlarni to'g'ri, muvofiq tashkillashtirishga yordam beradi. Turli fikr mulohazalarning birlamchi bazasida baholash mulohazalari vositasida belgilangan normalar asosida qiyosiy taqqoslanadi ya'ni ushbu fikr mulohazalardagi tafovut elementlari ajratiladi. Albatta bu jarayonda mulohaza ob'yektining belgilangan standartlarga tayangan holda uning ichki manfaatlarini hisobga olish zarur. Ma'lumotlar asosini tashkil qiluvchi bazis tayyorlanadi va ularning ob'yektivligi o'rganiladi. Obe'ktni baholash asosida shakllangan ma'lumot ishonchlilik va adekvatlilik ko'rsatkichlarini ifodalaydi.

Falsafa tarixida baholarning ob'yektiv yoki sub'yektiv ifodasi ulkan qiziqish uyg'otib kelgan. Avstraliyalik faylasuf Jon Makkining "Etika: yaxshi va yomonning shakllanishi" kitobi ushbu muhokamalarning markazida bo'ldi. Bu yerda ontologik nuqtai-nazaridan qadriyatlarning ob'yektivligi masalasi ko'tariladi. U o'zining asosiy tezislarini ontologik jihatdan izohlab, birinchi va ikkinchi darajali hukmlar o'rtasidagi farqni ajratadi. Birinchi darajali hukmlar jamiyatdagi u yoki bu inson xatti-xarakatlarini yaxshi yoki yomonligini ahloqiy shart, majburiylik pozitsiyasini belgilab, ko'pchilik tomonidan qoralanishini



ifodalasa, ikkinchi darajali hukmlar esa “birinchi darajali hukmlar” asosida bizning ahloq normalari haqida fikrlashga undaydi xolos. Uning fikricha, turli jamiyat, ijtimoiy qatlamlarda va tarixning turli davrlarida axloqiy me’yorlar va e’tiqodlarni tushunish juda mushkul. Chunki odamlarning turli hayot shakllarida ifoda etiladigan, qadrlanuvchi ob’yektlar sub’yektivlik pozitsiyasidan kelib chiqadi. Hozirgi kunda monagam hayot kechirish ma’qullaydiganlar lageri monogam hayot kechirayotganlarni ma’qullashi uchun emas, balki o’zlari shu pozitsiyada bo’lganliklari uchundir. [5: 82]

Nemis faylasufi Rudol’f german Lotse fikriga ko’ra inson uchun qadrning intersub’yektiv hususiyati asosida insonning his-tuyg’ularsiz qadrning o’zi mavjud bo’lmasligini ta’kidlaydi. Bu jarayonda baholash mulohazalari baholash ob’yektlari bilan shartlangan degan xulosaga keladi. [6: 49]

Ma’lumki, aksiologik kategoriyalar baholash mulohazalarining muhim strukturaviy komponentidir. Bunday jarayonlarning ilmiy tadqiqoti baholash mantig’i orqali amalga oshiriladi. Aytish joizki, baholash jarayoni falsafaning asosiy predmeti bo’lgan ong, borliq turli ijtimoiy hodisa va faoliyatlar mohiyatini yanada kengroq anglashga turtki beradi. Jamiyatni umuminsoniy munosabatlari, ijtimoiy regulyativ vazifasini amalga oshirish va tartiblashda baholash jarayonini falsafiy nuqtai-nazaridan tadqiq etish zaruriyat sifatida namoyon bo’ladi. Baho va norma masalalarini falsafiy mohiyatini ko’rib chiqish, umumiy ma’noda uning dolzarblilik tomoni shundaki, ular ijtimoiy faoliyatning barcha elementlarini bevosita va bilvosita o’zaro bog’liqligini belgilab beradi. Baholash jarayoni ishtirokisiz mavjud bo’lgan hech bir ijtimoiy soha yo’q. Ular “baho”, “ijtimoiy baholash”, “norma” kabi tushunchalari bilan bog’liq bo’lib, o’zining ta’siri bilan jamiyat rivojlanishiga qaratilgan.

Jamiyat to’laqonli rivojlanishi uchun unda turli fikrlovchi guruhlar, kishilar, harakatlar, partiyalarning bo’lishi maqsadga muvofiq sanaladi. Ular o’z fikrlarini ochiq-oydin ifodalashlari, o’zgalardagi nuqsonlarni, kamchiliklarni tanqid qilishlari imkoniga ega bo’lishi va bunda hech qanday tayziqlarga duch kelmasligi kerak. Bunda tanqid nafaqat yuqoridan pastga, balki pastdan yuqoriga ham amalga oshirilishi kerak. [7: 69]

Baho va norma konstruktiv tizimlashtirish jarayoni individual va ijtimoiy qadriyatlar kompleksiga bevosita singib ketadi. Baholash va deontik mulohazalar fenomenologik nuqtai-nazaridan ijtimoiy ong orqali qadr-qimmatga ega bo’lgan narsa va hodisalarni bilish, anglashni amalga oshirish vazifalarini bajaradi. Bu jarayonda esa moddiy va ma’naviy qadriyatlar tizimida yangi sub’yektiv yoki ob’yektiv yondashuvlar, tamoyillar paydo bo’la boshlaydi.

Albatta, shaxsning shakllanib borishida ham unga ta’sir o’tkazuvchi ma’naviy, moddiy, ijtimoiy sharoitlar, vositalarni ham inobatga olish zarur. Baho va normalar ijtimoiy hayotda zaruriy vosita hisoblanadi. Inson ijtimoiy mavjudot sifatida u kimnidir fikriga, o’zining hatti-harakatlarini baholashga muhtojligini sezadi. Baho ijtimoiy qadriyatlarni yuzaga kelishida funksional vazifani bajaradi. Baholash jarayoni shaxsiy va ijtimoiy qadriyatlar tizimiga singib ketgan bo’lib, falsafiy nuqtai-nazardan u jamiyatdagi umumbashariy, umuminsoniy, ahloqiy, ma’naviy ahamiyatini ifodalaydi. Ijtimoiy baholash jarayoni tarixiy taraqqiyot mahsuli sifatida inson, uning faoliyati, turmush tarzi, hatti-harakat, ishonch e’tiqodiga ta’sir o’tkazib kelgan. Normalar esa qadimdan jamiyat hayotini tartibga soluvchi vosita sifatida o’zini namoyon etadi. Jamiyat borlig’ini rivojlanishi, uning taraqqiyoti qonuniyatlarini, undagi hodisa va jarayonlarni tizimli ravishda tartibga soladi. Normalar insonlar o’rtasidagi munosabatlarni axloqiy, huquqiy tartibga solish uni samarali amalga oshirishni tashkil etish uchun ham zaruriy mexanizm sifatida shakllanib, ijtimoiy guruhlar faoliyati, kishilar hatti-harakatlarini ma’lum yo’nalishga buradigan tegishli me’yorga soladigan ma’naviy hodisaga aylanadi.

Shaxsning shakllanishi uchun uni o’rab turgan va hayoti kechayotgan bevosita shart-sharoit mikromuhit hisoblanadi. Unga insonni qurshab olgan oila, o’quv, mehnat jamoalari va boshqa ijtimoiy guruhlar kiradi. Shaxsning shakllanishi va faoliyati mana shu sharoit ta’sirida kechadi va ko’p jihatdan ularning yo’nalishi, darajasi hamda boshqa sifatlari shu muhit bilan belgilanadi. [8: 124]

Jamiyatda baholash masalasi inson faoliyati, turmush tarziga bog’liq bo’lgan ijtimoiy-falsafiy, diniy, huquqiy konsepsiyalarga bog’liq jarayon hisoblanadi. Umuman olganda, baholash jarayonining hususiyati shundan iboratki, bunda ob’yektning umumiy manzarasini yakdil holatda ob’yektiv yoki sub’yektiv ifodalanadi. Sub’yekt tomonidan tahlil etilayotgan ob’yektning salbiy ko’rsatkichlari mavjud bo’lib, ma’lum bir normalarga zid bo’lgan holatda shu ob’yektga nisbatan turli ijtimoiy baho bildirish yuzaga keladi.



Baho va normalarga falsafiy yondashuvi asosini quyidagi mezonlar tashkil etadi:

Birinchisi – baho va normalar inson va jamiyat bilan uzviy aloqadorligi, jamiyatda voqea hodisalarga ma'naviy asosini tashkil etilishi.

Ikkinchisi – baho va normalarning bir-birini taqozo etib boradi, ya'ni normalarga asoslangan inson hatti-harakatlariga (ijobiy yoki salbiy fikr bildirish) ijtimoiy baholanish jarayonini amalga oshirilish holati.

Uchinchisi – baho va normalarning jamiyat ijtimoiy taraqqiyotiga bog'liqligi. Jamiyatning umumiy manfaatlariga hizmat qilishi. Jamiyatdagi turli fikr mulohazalarni, bilimlarning chinligi masalasini yechimini topishga asos bo'lishi.

Baho va normalarning falsafada quyidagi asosiy vazifalari mavjud:

Birinchisi – baho va normalarning metodologik funksiyasi. Baholash va normalar jarayonini tadqiq etish vositalari bo'lmish kategoriyalar, tushunchalar, qonunlar ilmiy jihatdan ishlab chiqiladi. Ana shu ishlab chiqilgan ilmiy ta'rif va tushunchalar, fanlarda yo'riqnoma vazifasini bajaradi.

Ikkinchisi – baho va normalarning evristik funksiyasi. Baho va normalarning ijtimoiy voqelikni mantiqiy usullari va metodik vositalari tizimiga ega. Ushbu vazifa orqali jamiyatdagi voqea hodisalarni sharhlash bilangina emas, balki bu hodisalarning mohiyatini ochish, yangi metodologik prinsiplarini topish bilan ham shug'ullanadi.

Uchinchisi – baho va normalarning ilmiy-amaliy funksiyasi. Har qanday ijtimoiy voqea hodisalar to'g'risidagi fikr mulohazalar muayyan ilmiy dalillarga asoslanishi kerak. Borliqdagi mavjud bo'lgan voqelikga ijtimoiy, falsafiy, ahloqiy, huquqiy normalari bo'yicha amaliy tavsiyalarni ishlab chiqadi.

To'rtinchisi – baho va normalarning ilmiy bashorat funksiyasi. Bashorat – (arab.hushxabar) –ilmiy bilishning bir shakli, hali fanga to'la ma'lum bo'lmagan, imkoniyat tariqasidagi hodisalar, turli jarayonlar to'g'risida oldindan fikr aytish. [8: 40]. Baho va normalarni ilmiy o'rganish asosida ularning kelajakdagi ifodasi to'g'risida bashorat qilishni anglatadi.

Beshinchisi – baho va normalarning tarbiyaviy funksiyasi. Yoshlarda o'sib borayotgan bilish ehtiyojlarini qondirish, o'zligini anglash va tarbiya jarayonlarida individual baho bera olish, mustaqil fikr mulohaza yuritishga xizmat qiladi.

Baho va normalar vazifalari jamiyatdagi voqea-hodisalar va jarayonlarni bilishga, ularning qonuniyatlarini ochishga qaratilgan umumfalsafiy, xususiy-ilmiy usullar, yo'llar, qoidalar va vositalar tizimidir. Bu usullardan foydalanish olib borilayotgan tadqiqotning predmeti va vazifalariga bog'liq.

Oltinchisi – baho va normalarni tasvirlovchi funksiyasi. Mulohaza va voqelikni taqqoslashning birlamchi vazifasi voqelikdagi real holat ko'rinishida bo'lgan mulohaza terminlarida uchraydigan "chin" va "xato" tushunchalarni tasvirlovchi ifoda sifatida namoyon bo'lishini ta'minlaydi.

Yettinchchisi – normalarni baholovchi funksiyasi. Mulohaza standart, reja sifatida namoyon bo'ladi va "yaxshi", "yomon", "ahamiyatsiz" tushunchalari orqali keltirilgan holat, voqelik bilan taqqoslanadi.

Baho va normalarning falsafada ijtimoiy yondashuv, sub'yektivlik, ob'yektivlik, tarixiylik, mantiqiylik, kommunikativlik tamoyillari, ya'ni baho va normalarga oid voqea-hodisalar va jarayonlarni o'rganishda rioya qiladigan asosiy qonun qoidalariga ega.

Sub'yektivlik tamoyili. Baho va normalarga tegishli voqea hodisa vujudga kelishi va rivojlanishi ma'lum bir shaxs, ijtimoiy guruhlarning fikr mulohazalariga bog'liq bo'lgan ilmiy dalillar asosida ijtimoiy hodisalarni ijobiy yoki salbiy tomonlarini hisobga olgan holda yaxlit hodisa sifatida o'rganishni taqozo etadi.

Ob'yektivlik tamoyili. Baho va normalarga tegishli voqea hodisa va jarayonlarga nisbatan hech qanday o'zgartirishlarsiz xolisona, qarama-qarshi fikrlar va mulohazalarni chinligini o'rganishni anglatadi.

Tarixiylik tamoyili. Muayyan, baho va normalar ularning ijtimoiy tafakkurdagi in'ikosi o'rtasidagi nisbatni ifodalaydigan qoidalarni aks ettiradi. Bunda tarixan namoyon bo'lib kelayotgan baholash mulohazalari, ijtimoiy normalar turli bosqichlarni xronologik izchillikda tahlilini taqozo etadi.

Mantiqiy-me'yoriylik tamoyili. Qadimgi yunon faylasufi Demokrit aytganidek: "Me'yor buzilsa, eng yoqimli narsa eng yoqimsiz narsaga aylanadi". Baho va normalarning mantiqiy tahlili deontik modal tushunchalarni o'rganish bilan bog'liq bo'lib ahloqiy dilemmalarni mantiqiy qonun va qoidalar asosida o'rganishni ifoda etadi. Deontik mantiq – normativ tilning mantiqiy tuzilishini o'rganuvchi mantiq; normativ tushunchalar haqidagi ta'limot. [10: 53].

Kommunikativlik tamoyili. Kommu-



nikatsiya (lot. Communicatio – xabar bermoq, suhbatlashmoq) – muloqot qilish; bir odamdan boshqa odamga xabar berish, odamlarning bilish – mehnat faoliyatida til vositasida amalga oshiriladigan o'zaro ta'sirning maxsus shakli.[9: 97]. Baho va normalar shaxs, jamiyat, ijtimoiy munosabatlar tizimida to'plangan bilim, axborotlarni qayta ishlash, o'zgartirish, almashinish va ulardan foydalanishni o'z ichiga oladi.

Finlyandiya mantiqshunos olimi Fon-Vrigt baholashni aksiologik konsepsiyasi turli mantiqiy konsepsiyalar ichida o'ziga hos o'rni borligini ta'kidlab o'tgan. Bularga quyidagilarni kiritadi: 1) baholash: yaxshi va yomon, ezgulik va yovuzlik;

2) normativ konsepsiyalar (majburiyat, jura't, ruhsat, huquq);

3) inson hatti-harakatlariga bog'liq bo'lgan konsepsiyalar (amaliy mulohaza yuritish, maqsadga yo'naltirish, motiv, iroda, zaruriyat, manfaat).

Fon-Vrigt fikricha ushbu tasniflash orqali baholashning o'zi ham modal mantiqning predmeti sifatida o'rganiladi. [10: 51]

Inson hayotida yaxshi va aks bo'lgan amallar, hatti-harakatlar mavjuddir. Ushbu masalalarda ijtimoiy, diniy, ahloqiy, huquqiy bilim tizimi, odamlar fikr-mulohazalari va bahs-munozaralarida turli ijtimoiy pozitsiyalarni mavjud bo'lishini kuzatamiz. Albatta, bu masalalarda mantiqiy baholash va normalarning ilmiy tadqiqotini olib borish mushkul yoki imkonsizdek tuyuladi. Antik davr faylasufi Suqrot ham bir mulohazada haqiqat va baholash o'rtasidagi qiymatini izohlash imkoniyat bilan bog'liq qiyinchiliklarga duch kelgan. Uning fikricha haqiqatparvar, adolatparvar inson adolatsiz hatti-harakatlar sodir etishi mumkin emas, yo'qsa u adalatlilik mezonlariga javob bermay qolishi mumkin. Ta'kidlash joizki, tadqiqot doirasida bir tarixiy davrdan ikkinchisiga, bir ijtimoiy fikrdan boshqa bir fikrga o'tish jarayonida baholash va normalar sub'yektiv va o'zaruvchanligini kuzatamiz.

Insonlar hatti-harakatini boshqarish – bu normalarning muhim vazifalaridan biri bo'lib, kelajakdagi harakatlarni boshqarish mumkinligi shubhasiz; kelajak bilan nisbat olinishi esa normalarning regulyativ funksiyasi ekanligini belgilaydi. Normalar o'tgan zamondagi hatti-harakatlarni baholash va uning interpretatsiyasida qo'llaniladi. Harakatlarning boshqaruv jarayonini esa ko'rib chiqishga harakat qilamiz. Har qanday ma'lumot muayyan norma yoki normalar tizimiga tegishli bo'lgan ma'lumotga mos kelishi aniqdir. O'z navbatida, aynan shu harakat boshqa normalar tizimiga zid bo'lib qolishi ehtimoli mavjud. Qizig'i, aynan shu ikkita ma'lumot chin ko'rinishida ham kelishi mumkin. Shuni aytish joizki, bunday ma'lumotlar ba'zida amaliy yechimni hal etmay qoladi. Chunki agentning haqiqatda nima qilish kerakligini ma'lum qilmaydi. Bunda esa, haqiqat masalasi yechimini topishda faqat deontik gap tuzilmasigina zarur, muhim o'ringa ega. Inson va jamiyat uchun ahamiyatli bo'lgan barcha narsa, hodisa va voqealar: erkinlik va ezgulik, tenglik, tinchlik, haqiqat, ma'rifat, madaniyat, moddiy va ma'naviy boyliklar qadriyat hisoblanadi. Shunday ekan, jamiyat hayotida qadriyat va majburiyat ahloqiy kategoriyalar kabi alohida ahamiyatga ega. Ular bilan bog'liq bo'lgan turli ijtimoiy mulohazalar mantiqiy asoslarsiz, hukm va xulosalarsiz mavjud bo'lishi mushkuldir.

